

Х. ЙҮЛДОШХҮЖАЕВ

ТАРИҚАТЧИЛИКНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ  
КҮРИНИШЛАРИ





Х.ЙЎЛДОШХЎЖАЕВ

---

**ТАРИҚАТЧИЛИКНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ КҮРИНИШЛАРИ**

---



“Тошкент ислом университети”  
наширёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент-2010

Масъул мухаррир  
**Шайх Абдулазиз МАНСУР,**  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари

Такризчи  
**Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ,**  
Тошкент ислом университети қошидаги исломиунослик  
илемий тадқиқот маркази директори, фалсафа фанлари  
доктори, профессор

Ушбу рисолада тасаввуфнинг вужудга келиши,  
таракқиёти хакида сўз юритилади. Шунингдек, ҳозирги  
кундаги тарикатчилик харакатлари, уларга раҳнамолик  
қилаётган шахсларнинг диний қарашлари, бераётган  
фатволари ҳар томонлама илемий таҳлил этилади ва  
мамлакатимизда амал килиб келинаётган ҳанафий мазҳаби  
нуктai назаридан ғуносабат билдирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг З -сонли  
тавсияси билан чоғ этилди.

"ИТАТИҲОН"  
ИЗДАГИЧ

ISBN 978-9943-306-86-8

© “Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.

## КИРИШ

Истиқлолнинг дастлабки кунларидан оқ бебаҳо маънавий-маданий меросимизни холисона ўрганиш ва тиклашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида катта эътибор берилмоқда. Айниқса, маънавий меросининг туб моҳиятини акс эттирувчи диний-миллӣ қадриятларни кўлёзма манбалар асосида ўрганиш, уларни давр талабидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш, янгича илмий таҳлил қилишга катта аҳамият қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов таъбирлари билан айтганда, «Бугун бизнинг олдимизда шундай тарихий имконият пайдо бўлдики, биз босиб ўтган йўлимизни танқидий баҳолаб, миллий давлатчилигимиз негизларини аниқлаб, буюк маданиятимиз томирларига, қадимий меросимиз илдизларига қайтиб, ўтмишимиздаги бой анъаналарни янги жамият қурилишига татбиқ этмоғимиз керак»<sup>1</sup>. Шу боис маданий меросимиз дурдоналарини излаб топиш, асрраб-авайлаш, саклаб қолиш ҳа илмий тадқиқ этиш бўйича истиқболли режалар

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддаслир. Асарлар тўплами. Т.3. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – Б. 7.

---

тузилди, улуг алломаларимизнинг ҳаёти ва ижоди ҳар томонлама, холис ўрганила бошланди.

Шу жихатдан 2003 йил ноябрь ойида улуг мутасаввиф олим, Хожагон тариқатининг асосчиси – Хожа Абдухолик Фиждувоний таваллудининг 900 йиллик ва 2004 йилда эса Накшбандия тариқатининг йирик вакили – Хожа Убайдуллоҳ Ахрор таваллудининг 600 йиллик юбилейи мамлакатимиз миқёсида кенг нишонланди. Бу аждодларга бўлган чуқур эҳтиромнинг энг ёркин намунасиdir.

Қимматли асарлари билан нафақат ислом олами, балки бутун дунё маданиятида ўчмас из қолдирган Хожа Аҳмад Яссавий (1105–1166/67), Абдухолик Фиждувоний (1103–1179), Нажмиддин Кубро (1145–1221), Баҳоуддин Накшбанд (1318–1389), Хожа Муҳаммад Порсо (1345–1420), Ҳаким Термизий (820–932), Паҳлавон Маҳмуд (XIV аср), Хожа Убайдуллоҳ Ахрор (1404–1490), Мир Алишер Навоий (1441–1501), Маҳдуми Азам Косоний-Даҳбидий (ваф. 1542), Бобораҳим Машраб (1640–1711), Дукчи Эшон (ваф. 1898) каби тасаввуф илмини назарий ва амалий жихатдан бойитган буюк мутафаккирларнинг фикрлари, уларнинг жамият ҳаётида фаол қатнашган етук тарихий шахслар сифатидаги диний, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий қарашларининг асл моҳияти ва аҳамиятини

ёритиб бериш, албатта, хозирги давр учун ҳам нихоятда муҳимдир.

Зеро, тасаввуф таълимоти вужудга келган даврда ҳалқни ягона мақсад атрофида бирлаштирган, жамиятнинг турли табақалари ўртасида дўстлик, биродарлик ришталарини илдиз отишига замин яратган. Унинг ўзига хос санъати, мусиқаси, меъморчилиги ва айниқса, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, адолат ва ростгўйлик каби умумисоний қадриятларини ўзида мужассам этган эди. Афсуски, кейинги йилларда айрим шахслар тариқатни мансаб, мол-дунё орттириш, муридбозликка айлантириб олдилар. Биз ушбу рисоламизда Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган ва ўзларини тариқат етакчиси деб танитаётган шахслар, уларнинг эътиқоди, илгари сураётган ғоялари ва амалий фаолиятлари ҳакида сўз юритишга жазм қилдик. Мақсадимиз кимнидир нимададир айблаб, юзини шувут қилиш эмас. Бироқ муборак динимизнинг асл-мазмун моҳиятини бузиб, унинг ҳаётбахш таълимотларини нотўғри талқин қилувчиларни кўриб индамай қараб туриш ҳам инсоффдан эмас.

Тасаввуф атамасининг этимологияси борасида бир неча карашлар мавжуд бўлиб, уларнинг аксариятида мазкур атаманинг «صوف» (жун) сўзидан келиб чиққани қайд

этилади. Чунки сўфийлар танларини риёзатда чиниқтириш ҳамда дунёнинг моддий бойликларидан юз ўгирганликларининг исботи сифатида қаттиқ жундан тўқилган либос кийиб юрганлар.

Айни вактда мусулмон дунёсининг деярли барча мамлакатларида турли тасаввуфий тариқатлар вакиллари фаолият юритаётганини кўриш мумкин. Туркия, Миср, Жазоир, Тунис, Ливия, Индонезия, Малайзия, Иордания, Покистон каби мамлакатларда мавжуд тариқатларнинг саногига етиш ҳам қийин. Шу билан бирга, ушбу сулукларнинг кўпчилиги тасаввуф таълимотининг ilk ғояларидан анча узоқлашиб кетган. Шайхлик макоми маблағ тўплаш манбаи бўлиб қолган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Туркиядаги кўплаб тариқат вакиллари томонидан шайхларини ўта муболаға билан улуғланиши, уларнинг тавоғ қилиниши, шайхларнинг ўз тарафдорлари ва муассасалари мавжудлиги фикримиз исботи бўла олади<sup>2</sup>.

Покистон ва Ҳиндистон ҳудудларида тарқалган тариқатларнинг урф-одатларига назар солинса, уларда йога, буддавийлик, ҳиндуийлик ва қадимги ҳинд фалсафасининг таъсири катталигини кўриш мумкин. Барлавия, Мехмандия ва бошқа қатор тариқатларда қадимги ҳинд фалсафасидаги таносух,

<sup>2</sup> Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Т.: Моварооннахр, 2004. – Б. 21–22.

яъни руҳнинг кўчиб юриши ғояси кенг ўрин олган. Улар намоз ёки зикр вақтида юқоридан бир жойни бўш қўядилар ва унга Муҳаммад пайғамбар руҳи келиб ўрнашади, деб ҳисоблайдилар. Масжидларининг қибла тарафида эса ўз тариқатларининг асосчиси ёки пирларининг қабри жойлашган бўлиб, намоздан аввал ва кейин уни тавоғ қиласдилар<sup>3</sup>.

Ҳозирги пайтда дунёning кўп мамлакатларида, Америка Кўшма Штатларидан то Австралия архипелагигача бўлган ҳудудда Баҳоуддин Нақшбанд ва Нақшбандия тариқатини билишади ва ҳурмат қилишади. Нима учун шундай? Чунки Баҳоуддин Нақшбанд, аввало, ислом дини шариати мезонларини маҳкам ушлаган ва уларнинг бузилишига йўл қўймаган. Иккинчидан, у чин инсоний ғоялар ва фазилатларни илгари сурган, жамиятнинг турли вакиллари ўртасида футувват – жавонмардлик ришталари пайдо бўлишига туртки бўлган. Бунинг ортида одамлар бир-бирларига моддий ва маънавий ёрдам бера бошлаганлар, ҳаётдаги қийинчиликни ҳамжиҳатликда енгиб ўтиб, шодликларни ҳам бирга баҳам кўрганлар<sup>4</sup>.

Буларнинг барчаси Баҳоуддин Нақшбанд жамиятда барпо қилмоқчи бўлган биродарлик, бирдамликнинг айнан ўзи эди. Унинг

<sup>3</sup> Бу ерда тасвирланган ҳолатга муаллифнинг шахсан ўзи Покистоннинг Карочи шаҳрида ўкув амалиётини ўташ пайтида гувоҳ бўлган.

<sup>4</sup> Комилов, Тасаввуп. – Б. 7.

“Кўнглинг Аллоҳда бўлсин, кўлинг меҳнатда”, деган шиори ҳунарманд, дехқонларда динга, диндор ва тариқатчи сўфийларда меҳнатга нисбатан ижобий муносабат пайдо қилган. Бу, ўз навбатида, одамлар турмуш тарзининг кўтарилишига ҳам хизмат қилган.

Марказий Осиёда тасаввуф тариқатларининг ривожида ўлкадан етишиб чиқсан Ахмад Яссавий, Абдухолик Фиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Аҳрор<sup>5</sup> каби алломаларнинг хизмати катта бўлган. Уларнинг фаолияти бутун ислом оламига ўз таъсирини ўтказган. Айни вактда, илдизи Хожагон тариқатига бориб тақаладиган Нақшбандия-Мужаддидия тариқати Марказий Осиёда кенг ёйила бошлади<sup>6</sup>.

<sup>5</sup> Жумакули Хумулий. Тарихи Хумулий. – Т.: ФА ШИ. Қўлдэзма, инв. № 37/VI. – В. 1920. (Бундан кейин – Хумулий, Тарихи Хумулий).

<sup>6</sup> Тариқат асосчиси Ахмад Сирхиний ал-Форукий ар-Раббоий Ҳиндистоннинг Сирхинид шахрида туғилиб ўсган. Сирхиний ўзиннинг “Мактубот” номли асарида Нақшбандия таълимоти ва амалиётига, хусусан, “зикр”, “вандат”, “пир ва мурид одоби” масалаларига кўлсина янгиликлар киритган.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ТАРИҚАТЧИЛАР УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- ДИНИЙ ВАЗИЯТГА ТАЪСИРИ

Мустақиллик йилларида диний қадриятларни қайта тиклашга эътибор қаратилиши масжидлар, мадрасалар ва бошқа диний ташқилотлар билан бир қаторда тариқат вакилларининг ҳам фаолиятига кескин турткى бўлди. Натижада ҳозирги пайтда ҳам Марказий Осиёда, хусусан, Ўзбекистоннинг турли худудларида тариқатчилар фаолияти жадаллашди. Улардан энг кўзга кўрингани Накшбандия-Мужадидия-Хусайния тариқати раҳбари бўлган Иброҳим эшон ҳисобланади. Иброҳим Маматқулов, 1937 йили Фарғона вилоятининг Бувайда тумани Оққўргон қишлоғида таваллуд топган. Мир-Араб мадрасасига ўқишига кирган, лекин тугата олмаган. 1950–70-йилларда Жанубий Қозоғистоннинг Туркистон туманида яшаган шайх халифа Абдулвоҳид Сайрамийда тахсил олган. 1967 йили халифа Абдулвоҳид 86 ёшда вафот этгач, тариқатга бошчилик қилиш хуқуки Тошкент шаҳрининг Кўйлик даҳаси яқинида истиқомат қилган Абдуллоҳ қорига ўтган. Иброҳим Эшон 1976 йилга қадар мазкур шайхга муридлик қилган. Унинг вафотидан сўнг раҳбарлик Иброҳим Эшонга ўтди. У 1984 йилга қадар Абдуллоҳ қорининг манзилида яшаб, тариқатчиларга раҳнамолик қилди. У 1985 йилда она қишлоғи Оққўргонга кўчиб ўтди ва 2009 йили вафот этди.

Иброҳим эшон тарафдорлари Фарғона вилоятининг Бувайда, Ёзёвон, Марғилон, Олтиариқ туманларида кўпчиликни ташкил этарди. Шунингдек, Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, қўшни Қозоғистоннинг Сайрам вилоятларида ушбу тариқат вакиллари мавжуд. У ўз тариқати шажарасида 32-пир ҳисобланган.

Иброҳим Маматқулов ҳудудда бошқа тариқатчиларга нисбатан тарафдорларининг кўплиги, муридларини бир жойга тўплай олиши, таъсир доирасининг катталиги билан фарқланарди. Ўзининг берган маълумотига кўра, унинг тарафдорлари сони 20 мингдан ортиқ.

Унинг издошлиарининг мунтазам кўпайиб бориши сабабларидан яна бири шуки, унинг муридлари одатда тарафдорлар йиғиш жараёнида ўз етакчиларини (Иброҳим эшонни) идеал шахс сифатида кўрсатишига эришишмокда. Шунингдек, зикр қилишни ўргатадиган қўлланмаларни ҳали намоз ўқиш қоидаларини мукаммал эгалламаган аҳоли орасида тарқатишмокда. Ушбу қўлланмага доимий амал қилинса, жаннатга тушиши аниқлиги уқтирилади.

И.Маматқуловнинг ўз ҳисобидан зиёратгоҳларни таъмирлашда, майший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилишида ҳамда шу каби ободонлаштириш ишларида иштирок этиши ҳам

мусулмон аҳоли орасида унинг обрўси ошишига ва тарафдорлари кўпайишига олиб келган.

Иброҳим эшоннинг уйи унинг тарафдорлари учун асосий марказ ҳисобланган. Эшоннинг хизматида доимий тарзда 20-30 нафар мурид туради. Турли вилоятларда Иброҳим Эшоннинг ўринbosарлари бор, улар ўз худудларида тариқатчиларга раҳбарлик киладилар, янги аъзоларни қабул қиладилар.

Ҳафтанинг жума кунидан ташқари колган 6 кун мобайнида беш маҳал намоз олдидан муридларга дастурхон ёзиларди. Ҳар куни соат кундузги 12:30 да 250-300 кишига мўлжаллаб И.Маматқулов хонадонида ош тортилар ва пешин намозидан кейин 15-20 га яқин киши ўнга байъат қиласарди. Сўнг алоҳида уйда аёллар байъати қабул қилинарди.

Энди Иброҳим эшон раҳнамолик қилиб келган Нақшбандия-Хусайния тариқатида кўлланилаётган расм-русумларнинг имкон қадар тўлиқроқ баёнини келтирамиз. Янги байъат қилганларга куйида илова кўлланмада белгиланган вазифаларни буюарди.

Шукри вузуъ – 2 ракаат (таҳорат шукронаси учун ҳар бир олинган таҳоратдан сўнг ўқиладиган намоз).

Тухфаи Расулуллоҳ – 2 ракаат (Шом намозидан сўнг ўқилади).

Таҳажҷуд – 2 ракаатдан икки марта, жами 4 ракаат (Бомдод намозининг вақти кирмасдан илгари ўқилади).

Ишроқ - 2 ракаат (Қуёш чиққандан сўнг ўқилади).

Юқоридагилардан ташқари доимий таҳоратда, маҳси-калишда, чопон ва салла ўраб юриш тавсия этилади.

Иброҳим Маматқулов тариқат раҳбарлигини кўлига олгач, муридлари учун қатор янгиликлар жорий қилган. Айни пайтда, у раҳнамолик қилаётган оқим илк тасаввуф асосчилари таълимотидан анча йироқлашган. Уларнинг хатти-ҳаракатларида юртимизда қарийб ўн тўрт асрдан буён амал қилиб келаётган ҳанафий мазҳаби аҳкомлари ва аҳли сунна эътиқодига зид тояларни тарғиб қилиш холатлари кузатилмоқда. Айни пайтда расмий имомлар Иброҳим эшон фаолиятидаги шариатнинг бузилишига боғлиқ айrim жиҳатларга эътиroz билдиrmокдалар. Мисол тариқасида куйидаги масалаларни келтириш мумкин:

- кечаси таҳажҷуд намозини ўқиш фарз (ёки вожиб);
- шукри вузуъ намозини қайси вақтда бўлса ҳам, яъни мақруҳ пайтларда ҳам ўқиб олиш зарур;
- пирга қўл берганинг олдинги гуноҳлари кечирилади, қазо бўлган (колдирилган) намозни ўқимаса ҳам бўлаверади;

– муридидан бошқа кишининг түй-маракаларига бормаслик;

– расмий имомларнинг амри маъруфларини менсимаслик.

Бундан ташқари айрим муридлар томонидан ҳам мутаассибона хатти-харакатлар намоён бўлаётгани маълум. Жумладан:

– Иброҳим эшоннинг таҳоратидан қолган сувни табаррук деб истеъмол қилишган;

– пирнинг уйи томонига оёқ узатиш қиблага оёқ узатишдек гуноҳ бўлади;

– доимий катта салла, узун оқ кўйлак ва маҳси-ковушда гурух-гурух бўлиб юриш.

Куйида тариқатчилар билан муаммоларга сабаб бўлаётган масалалар ва уларнинг шаръий далилларини келтириб, таҳлил этамиз:

1. Таҳажжуд намозининг фарз даражасига кўтарилиши. Бу масалада тариқатчилар бир неча далил келтирадилар. Аввало, мурид пирнинг олдига келиб, унга қўл берар экан, буюрган барча вазифаларни сўзсиз бажаришга ваъда беради.

إِنَّ الْأَنْبَارَ يُشَرِّبُونَ مِنْ كَأْسٍ كَانَ مَزَاجُهَا كَافُورًا {5} عِنْتَ يُشَرِّبُ بِهَا عَبَادُ اللَّهِ يُفَجَّرُوْنَهَا تَفْجِيرًا {6} يُوْفُونَ بِالنَّذْرِ وَيُخَافِونَ يُؤْمِنُوا كَانَ شَرَهُ مُسْتَطِرًا (Сурәттә аль-აنسان, 7)

Яъни: Албатта, яхши (солих киши)лар (жаннатда) кофур (ўсимлигидек хушбўй) аралаштирилган қадаҳдан (май) ичурлар. Аллоҳнинг бандалари (жаннатда) ичадиган (бу)

чашмани (ўзлари хоҳлаган жойдан) чиқариб (окизиб) олурлар. Улар (хозирда ўз зиммаларига олган) назрларини адо қилурлар ва ёмонлиги (даҳшатлари) кенг ёйилувчи кундан қўрқурлар (Инсон, 5-7).

Ёки бошқа жойда:

يَا أَيُّهَا النَّبِيُّ أَمْنُوا أَوْفُوا بِالْفُقُودِ {سُورَةُ الْمَائِدَةِ، ١}

Яъни: Эй, имон келтирганлар! Битимлар (аҳдлар)га вафо қилингиз! (Монда, 1).

Демак, тариқат вакилларининг фикрига эътибор қилсак, киши пирнинг олдида таҳажжуд намозларини қолдирмасликка вайда берар экан, келтирилган оятларга мувофиқ ўз ваъдасига вафо қилиш унга вожиб бўлади. Бу эса, ўз навбатида, унга таҳажжуд намози вожиб ёки фарз бўлишини англатади.

**Муносабат.** Муфассирлар мазкур оятдаги “аҳд” ёки “битим” сўзидан Аллоҳ таоло билан бандалар ўртасида Алмисоқда тузилган битим назарда тутилади, дейдилар. Баъзилар Аллоҳ билан бандалар ўртасида аҳкомларга риоя қилиш, Куръонда бандалар тилидан айтилган “эшитдик ва итоат қилдик” калимасига вафо қилиш деб тафсир қиласидилар.<sup>7</sup>

Амр ибн Ҳазм ўз отасидан: “Бу оятни Расууллоҳ (с.а.в.) бизларни Яманга юбораётгандарнида мактуб қилиб ёзиб берганлар

<sup>7</sup> Мұхаммад Сулаймопп Абдуллоҳ ал-Ашкар. Зубдат ат-тафсир. Ал-Кувейт. 1988. -Б. 143.

ва бизлар билан шу оятга асосан ахднома түздилар”, – деб ривоят қиласы

Ибн Аббос ва Мужохидларнинг фикрича, оятдаги “уқуд” сўзидан мурод “ухуд”, яъни ахдлашувдир.

Али ибн Абу Талха ибн Аббосдан қилған ривоятларида ҳам, оятдаги “уқуд” сўзидан мурод “ухуд”, яъни ахдлашув бўлиб, Куръони каримдаги Аллоҳ таолонинг бандалар билан ҳалол-ҳаром, фарзу-вожиб, ҳад-ҳудудлар масаласидаги ахдномасидир деганлар.<sup>8</sup>

Даҳҳок (р.а.): “Авфуу бил укууд” оятидан мурод, ҳар бир китоб ва суннатни ҳамда ижмёни тан олган кишидан Аллоҳ таоло шариатида кўрсатгани буйруқ ва қайтарикларига ҳамда алмисоқда олган ишончномасига амал қилиш хақидаги ахдномасидир”, – дейди.

Зайд ибн Аслам дедилар, бу оятдан уламолар б 6 та ахдга амал қилишни тушунишган:

Аллоҳ таолога берган ахди	عهد الله
Аллоҳ номи билан ичган қасамлар ахди	عقد الحلف
Шерикчилик ахди	عقد الشراكة
Байъ(олди-сотди) ахди	عقد البيع
Никоҳ ахди	عقد النكاح
Қасам, қасамёд ахди <sup>9</sup>	عقد اليمين

Келишилган шарт бўйича ақд ва ахдларга амал қилинади. Агар шартлар шариатга мувофиқ

<sup>8</sup> Ибн Касир. Тафсир Куръани-л-азийм. 2-жилд. 4-бет.

<sup>9</sup> Уна асар, 2-жилд, 31-бет.

келмаса, амал қилинмайды. Масалан, жохилият давридаги ботил қасамлар каби.

Яна баъзи тариқатчилар: “Одам назрига вафо қилиши лозим бўлгани каби мурид пирнинг ҳузурида “мен доим таҳажжуд намозини ўқийман” деб берган ваъдасига вафо қилиши лозим бўлади. Агар таҳажжуд намозини ўқий олмаса унинг қазосини келтиради”, – дейдилар ва қуидаги оятни далил қилиб келтирадилар:

لَمْ يُنَظِّمُوا تَقْتِيمَهُمْ وَلَمْ يُؤْفُوا نُثُرَهُمْ (سورة الحج، 29)

**Яъни:** Сўнгра (ҳожилар) кирларини кетказсингилар (яъни эхромдан чиқиб, соч олдириб, тоза либосларини кийсингилар), назрларини (ҳаж мажбуриятларини) адо килсингилар (Ҳаж, 29).

**Муниосабат.** Дарҳакиқат мазкур оятда, инсон қилган назрига вафо қилиши лозимлиги буюрилади. Назр шариатда мажбурий бўлмаган, банда томонидан ихтиёрий тарзда бирор ишга боғлаб қилинган ваъдадир. Масалан, “ўғлим сафардан эсон омон келса, бир кўчкорни сўйиб хомлигича фақирларга тарқатаман”, “кемам эсон-омон қирғоққа етиб борса ундаги барча молни садака қиласман” каби мол билан ёки “тузалиб қолсам ўн кун рўза тутаман”, дегани каби ибодат билан бўлиши мумкин.

Уламолар назрга нисбатан бир неча қарашларни билдирганлар<sup>10</sup>. Жумладан:

Мубоҳ. Яъни назр қилиш учун на савоб ва на гуноҳ ёзилмайди. Бироқ Аллоҳ таоло **وَلَيُؤْفُوا  
عَنِ الْمُتَّهِبِينَ** деб унга вафо қилишга буюрган.

Мандуб (мустахаб). Чунки Аллоҳ таоло **وَلَيُؤْفُوا  
عَنِ الْمُتَّهِبِينَ** деб назрга вафо қилувчиларни мақтаган. Бундан келиб чиқадики, назрга вафо қилувчиларга вожибни бажарувчиларнинг савоби берилади.

Макруҳ. Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қилган ҳадисда Муҳаммад (с.а.в) назр қилишдан қайтаргандар ва: “У (назр) ҳеч бир яхшиликка олиб бормайди,,аксинча баҳиллардан чиқади”, – деганлар.

Ҳаром. Баъзи уламолар ҳадисда очик-ойдин назрдан қайтарилғани сабабли уни ҳаром дейдилар.

Назр билан боғлиқ шаръий ҳукмлар унга вафо қилиш ёки қасам учун қилинадиган каффорат билан ундан воз кешишдан иборатdir.

Маълумки, шариат аҳкомларини жорий қилиш Аллоҳ ёки У изн берган пайғамбарларга хос нарса. Бошқа ҳеч ким, бирон-бир сабабга кўра бу ишни амалга ошириши, бандалар устига шаръий амрии жорий қилиши мумкин эмас. Ҳаттоқи, Муҳаммад (с.а.в) умматларига доим енгиллик, осонлик, ихчамликни истаб келганлар. Бир ҳадисда айтадиларки: “Агар умматларимга қийин бўлиб қолишидан қўрқмаганимда эди, уларга ҳар намоздан аввал мисвок қилишни буюрар

эдим". Мисвок бутасимон дарахтнинг новдасидан кирқиб, пўстлогини шилиб ташлаб у билан тиш тозалайдиган, ўзидан тиш учун фойдали моддалар ва хушбўйлик чиқарадиган нарсадир. Кўплаб мусулмон ўлкаларида ҳозирда ҳам мисвокдан фойдаланилади. Одамлар маҳсус ғилофларда чўнтакларида олиб юрадилар ва овқатдан аввал ва кейин, намоздан аввал уни олиб оғзиларида бир неча бор у ёқ - бу ёққа айлантирадилар ва тишларини тозалайдилар. Одатда бу ишни қилиш одамга қийинчлилк туғдирмайди ва атиги бир неча сония ёки бир-икки минут кифоя қиласди. Модомики, Расулуллоҳ (с.а.в.) шу арзимаган иш мусулмон умматига машакқат бўлишидан кўрқиб буюрмаган бўлсалар, кечаси, туннинг ярмида, уйқунинг энг ширин пайти келганда туриб ибодат қилишни бошқаларга фарз ёки вожиб қилишга кимнинг ҳадди сиғади?

Иккинчидан, агар банданинг хоҳиши ва бошқа ҳолатларига қараб шаръий хукмлар ўзгартирилаверса шариатнинг улуглиги қаерда қолади?!

Келтирилган далиллардан келиб чиқадики, аввало тариқат йўлига кирган киши қўлидан келмайдиган ишни бўйнига олмаслиги керак. Чунки назр қилингандан сўнг ўқилмай қолдирилган таҳажжуд намозини қазосини ўқиш билан адo этиб бўлмайди, балки қасамнинг каффоратидек каффорат қилиш лозим бўлади.

Иккинчидан, Расулуллоҳ (с.а.в.) қайтарган ва уламолар макрух ва ҳатто ҳаром деб хукм чиқарган амалда қандай тақво, қандай савоб бўлиши мумкин?! Шундай экан Аллоҳ ва унинг Расули осон килиб берган динимизни қийинлаштириш ва бу орқали савоб қиласман деб, маъсиятга ботишда ҳеч қандай манфаат кўринмайди.

Ёки яна бошқа жойда:

وَمِنَ اللَّهِ فَتَهْجَدْ بِهِ نَفِلَةٌ لَكَ عَسْنِي أَنْ يَبْعَثَ رَبُّكَ مَقَامًا مَحْمُودًا (سورة  
الاسراء، 79)

Яъни: Тунда (Ярим кечада) уйғониб ўзингиз учун таҳажжуд нафл намозини ўкинг! Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мактovли (шафоат қиладиган) макомда тирилтиурса (Исро, 79).

Бу оятни тушунишда ҳам муайян келишмовчиликлар мавжуд. Тариқат вакиллари: “Оятда Мұхаммад (с.а.в.)га таҳажжуд намозини ўкиш буйруқ шаклида келтирилган, Куръонда келган амр, у ким орқали баён этилган бўлишига қарамай, барчага teng фарз бўлади”, – дейдилар.

Ваҳоланки, муфассирлар мазкур оятда таҳажжуд намози зиёда амаллардан эканини айтиб ўтганлар. Имом Табарий ўз тафсирида: “Мұхаммад алайхиссаломга (бир марталик) фарз қилингани, умматларига эса нафл”, – деб

таъкидлайди<sup>11</sup>. Ибн Касир эса: “Таҳажжуд Расууллоҳ (с.а.в.)нинг ўзларига хос фарз амал умматларига фарз эмас”,<sup>12</sup> – дейди.

Бундан ташқари оятнинг ўзида “нафл”, “ўзингиз учун” деган калималар борки, улар бу амр Пайғамбар (с.а.в.)га эканлигидан далолат қиласи. Оятнинг охирида “Шоядки, Раббингиз Сизни (Қиёмат кунида) мақтовли (шафоат қиласиган) мақомда тирилтирса”, – дейилади. Шафоатчилик мақоми Одам (а.с.)дан бошлаб келган 124 минг пайғамбардан фақатгина Мұхаммад (с.а.в.) га берилиши мүқаддас манбалардан барчага маълумдир. Модомики, таҳажжуд намозини ўқишлиқ шафоатчилик мақоми билан bogланаётган экан, бу шубҳасиз Мұхаммад (с.а.в.)га хос бўлади.

**2. Тариқатга кирган кишидан ўқимай қолдирилган намозлар ва тута олмаган рўзалар соқит бўлади.** Бунга улар Қуръони каримнинг 70-оятини далил қилиб олиб: “Тариқатга кирган киши пирнинг қўлини тутиб тавба қиласи ва мазкур оят хукми билан унинг аввалги қилган барча гуноҳлари кечирилади”, – дейдилар. Далиллари қўйидагилар:

إِلَمَنْ تَبُ وَأَمْنَ وَعَمَلَ صَالِحًا فَوْلَاذَكْ يَبْدِلُ اللَّهُ سِيَّنَاتَهُمْ حَسَنَاتٍ ...  
(Сурәт аль-Фарқан, 70)

**Яъни: Илло, кимки (шу дунёда) тавба қиласа ва имон келтириб, яхши амал қиласа,**

<sup>11</sup> Тафсир Табарий, 8-жилд, 130-бет.

<sup>12</sup> Ибн Касир, 3-жилд, 58-бет.

**бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик (гуноҳ) ларини яхшилик (савоб)ларга айлантириб қўяр.** Аллоҳ мағфиратли ва раҳмли зотдир (Фурқон, 70).

Яна:

وَمَن تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتَوَبُ إِلَى اللَّهِ مُتَبَّا... (الْفَرْقَانُ، ٧١)

Яъни: Кимки тавба қилиб эзгу ишларни қилса, бас, албатта, у Аллоҳ (ризоси ва мағфирати)га қайтган бўлур (Фурқон, 71).

Ҳадисдан:

عَنْ أَبِي عَبِيدَةَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ لِلنَّاسِ  
مِنَ النَّذْبِ كَمْنَ لَا نَنْبَلْ<sup>13</sup>

Яъни: *Абу Убайда (r.a.) Абдуллоҳ (r.a.)*дан ривоят қилиб айтади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Тавба қилувчи киши гўёки гуноҳ қилмаган кишиидекдир”, – дедилар”.

Киши пир ҳузурига келиб, аввалги гуноҳлари учун чин дилдан тавба қиласиган бўлса, унинг аввалги гуноҳларининг барчасини Аллоҳ кечиради. Шу жумладан ўқимай қолдирган рўза ва намозларининг ўрнини ҳам савоб (ўқилган намознинг савоби) билан тўлдиради. Бундан кейин унга рўза ёки намознинг қазосини адо этиш лозим бўлмайди.

**Муносабат.** Фиқҳий китобларнинг деярли барчасида “Қазо намозларни ўқиш фасли” деб номланувчи бўлим бор. Уламолар қолдирилган

намозларни ўқиши тартиби, қолдириш сабаблари, ҳукми бўйича жилд-жилд китоблар битганлар. Рўзанинг қазоси хусусида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Расулуллоҳ (с.а.в.)га одамлар намоз вақтида ухлаб қолишларини зикр қилдилар. Шунда у зот: “Ухлаб қолиш камчилик эмас. Камчилик уйғоқликда бўлади. Вақтики, бирортангиз намоздан ухлаб ёки ғофил қолса, бас, уни эслаганда ўқиб олсин,” – дедилар<sup>14</sup> (Имом Насойй ва Имом Термизий ривояти).

Банда ўз зиммасидаги амални адо ёки қазо қилмагунча мазкур амал унинг зиммасидан тушмайди. Қарз бўлиб туради. Ибн Аббос (р.а.) ривоят қилган ҳадисда ривоят қилинади: “Бир киши Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг ҳузурларига келиб: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Онам вафот этди. Унинг зиммасида бир ойнинг рўзаси бор. Уни қазо қилайми?” – деди.

У киши: “Ҳа! Аллоҳнинг қарзини қазо қилмоқ ҳақлидир”, – дедилар” (Имом Бухорий ривояти).

Нақшбандия тариқатининг назариёт-чиларидан бири, айни пайтда юртимизда фаолият олиб бораётган деярли барча тариқатларнинг силсиласида номи зикр қилинган, XVI асрнинг иккинчи ярми XVII асрнинг бошларида Ҳинд диёрининг Сирхинд

<sup>14</sup> Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Қифоя. I жилд. – Т. 2008. – Б. 407.

шаҳрида яшаб ўтган Аҳмад Сирхиндий ал-Форукий ар-Раббоний (1564–1624)нинг “Мактубот” номли китобининг 29-мактуби айнан шу масалага бағишиланади. Бу мактуб Шайх Низомиддин ат-Тахонисрийга йўлланган бўлиб, “*Фарзларни адо этиш, суннат ва одобга риоя қилиш, фарзлар турганда нафл амалларга ортиқча эътибор бермаслик, хуфтон намозини туннинг охирида ўқишидан қайтариш, таҳорат учун ишлатилган сувни ичишидан қайтариш ва муридларнинг ўз тирлари ёки бошқага сажда қилишиларидан қайтариш*”<sup>15</sup>, – деб номланган. Кўриниб турибдики, Имом Раббоний ўзининг издошларидан чиқиши мумкин бўлган масалаларни аввалдан билганидек уларнинг ҳаммасини бирма-бир санаб ўтадики, бугунги кунда бизларнинг диёrimизда мавжуд бўлган тариқатчиларда айнан шу камчиликлар учрайди.

Мазкур мактубда Имом Раббоний: “Нафл амалларга фарз амалларнинг олдида хеч қандай қиймат йўқдир ва фарзлардан бирортасини ўз вактида бажариш минг йил нафл амал билан машғул бўлишдан яхшидир”, – деб, ушбуни далил келтиради: “Ҳазрати Умар бир киши бомдод намозига чиқмай қолганида: “Фалончи қани?” – деб сўрадилар. Саҳобалар: “У кечаси ухламай намоз ўқиб чиқсан, шунга бомдодга ухлаб қолган бўлса керак”, – деб жавоб

<sup>15</sup> Имом Раббоний. Мактубот. Электрон нусхаси. 29- мактуб. 61-бет.

беришди. Шунда Умар (р.а.): “Бутун тунни ухлаб, бомдод намозини жамоат билан ўқигани яхши эди,” – дедилар”.

Мактуботда яна: “Қиёмиллайл, яъни кечани бедор ўтказиш учун хуфтон намозини кечиктириш барча уламолар наздидаги макруҳдир. Витр намозини бироз кечиктирса ҳам қиёмиллайнинг савобини топади. Қолдирилган намозларни эса қазосини ўқиш лозим бўлади. Имом Аъзам Абу Ҳанифа ал-Куфий (р.а.) таҳоратнинг одобларидан бирини тарқ қилгани учун қирқ йиллик намозини қайта ўқиган”, – дейилади.

3. Эътиrozга сабаб бўлаётган масалаларнинг яна бири, тариқатга кирган кишига илмнинг шарт эмаслиги ва ҳатто илмни тарқ қилиш афзаллиги. Тариқатчилар бунга ушбуларни далил қилиб келтирадилар. Аввало, илмнинг моҳияти ибодатга восита бўлишдир. У орқали инсон Роббини танийди ва унга бандалик қилишга ҳаракат қиласи. Модомики, инсон Аллоҳга ибодат қилиш йўлига ўтган экан, унга илмнинг кераги йўқ.

Иккинчидан, Аллоҳнинг даргоҳидан кувилган Азозил, яъни Шайтон ҳам бир пайтлар жуда илмли бўлган ва ҳатто фаришталарга дарс берган. Бироқ Аллоҳ таоло Одам (а.с.)ни яратиб, барча мавжудотни унга сажда қилишга буюрганида Шайтон бош тортди ва “Мени

оловдан яратдинг, уни эса ботқоқдан,” – деб эътиroz билдири. Бу манманлиги туфайли Аллоҳнинг даргоҳидан қувилди,” – деб далил келтиришади.

**Муносабат.** Аслида тасаввуф намояндалари хеч қачон илмга қарши бўлмаганлар, балки илмсизлик билан тариқат уйғун бўла олмаслигини уқтириб келганлар. Шу ўринда биз тариқат мезонларини теранрок англаш, асл моҳиятни тушуниш мақсадида яна тарихга мурожаат қиласиз: XVIII асрда Марказий Осиёда Нақшбандия - Мужаддидия тариқатининг ривожланишига улкан ҳисса кўшган аллома Мусохон Даҳбидийнинг шогирдларидан бири Халифа Сиддиқнинг бу борадаги қарашлари ва амалга оширган ислохотларини мисол қилиб келтирамиз. У сулукка раҳбарлик қила бошлагач, Нақшбандия-Мужаддидия сулуки Ўрта Осиё, Шаркий Туркистон ва Даشتி Қипчокни ўз ичига олган кенг ҳудудга ёйилди. Бу ҳақда XVIII асрда Марказий Осиёда кечган ижтимоий-сиёсий ва маданий-диний вазиятни қофозга туширган тарихчилардан бири Жумакули Хумулий (тұғ.й.1776/77)нинг “Тарихи Хумулий” асаридан батафсил маълумот олиш мумкин<sup>16</sup>.

Халифа Сиддиқнинг сулукни бошқаришдаги ўзига хос жиҳатларидан бири шу эдики,

<sup>16</sup> Хумулий. Тарихи Хумулий. ЎзР ФА ШИ. Қўлэзма, инв. № 37/VI. – В. 2996.

муридларни зикр ўрнига кўпроқ Қуръон ўқишига чакиради, турли диний билимларни, шариат аҳкомларини ўрганишга буюарди. Ҳалқаларда кўпинча Атоуллоҳўжа Бухорий, Фарғона шайхул исломи Эшон Зокирхўжа Марғиноний, шайхул ислом Мир Абдулҳайхўжа Самарқандий каби ўша замоннинг фозил, олим кишилари ташриф буюриб, соликларга тафсир, ҳадис, фикҳ каби фанлардан дарслар ўтишарди. Ҳар куни зикр ҳалқасидан ва ишроқ намозининг ўртасида “Тафсир ал-Байдовий”, “Мишкоти шариф” ва бошқа саҳих китобларни илм толиблари мазкур уламолардан ўрганиар эдилар. Фарз намозларидан сўнг хуш овоз қориларга Қуръон ўқишини, чиройли таъбирли шоирларни маснавий ўқишига буюар эдилар<sup>17</sup>.

Нақшбандия тариқатига оид маҳаллий сулуклар вакиллари (Ҳиндистон, Қашқар минтақаларидан тортиб то Болқон ва шимолий Африкагача) ўзларининг мамлакатларида сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ва осойишталик ўрнатиш, қабилалар ўртасида эса тинчлик ва тотувликка факат шариат аҳкомларининг мустаҳкамлиги орқали эришиш мумкин, бунинг учун эса мукаммал илм керақ, деган холосага келдилар.

**5. Айрим мутаассиб муридлар томонидан пирнинг таҳоратидан қолган сувни истеъмол қилиниши ҳолатлари учрайди.**

<sup>17</sup> Ўша асар. – В. 3006.

**Муносабат.** Ҳозирда ўзларини тариқатчимиз деб даъво қилаётганлар, аввало анъанавий тариқат асосларини қўпол тарзда бузаётганлари, қолаверса шариат кўрсатмаларига ҳам амал қилмаётганлари намоён бўлмоқда. Жумладан, пирнинг таҳоратидан қолган сувни табаррук қилиб ичиш масаласида улар қўпол хатога йўл қўймокдалар. Биринчидан, бизлар XXI асрда яшамоқдамиз ва “тоза сув”, “ифлосланган сув”, “микроб”, “юқумли касаллик” деган тушунчалар барчага маълум. Одам ювинганда ёки таҳорат қилганда сувга унинг юз-қўлидан турли заарли микроблар тушиши мумкин ва уни ичишнинг оқибати оғир касаллик билан тугаши мумкин. Иккинчидан, юқорида зикр қилинган “Мактубот” асарида Имом Раббоний: “Таҳоратни ният қилиб ишлатилган сувни ичиш мумкин эмас. Имом Аъзам наздида бу сув најосат билан аралашган бўлади. Фақиҳлар уни ичишни ман этганилар”, – дейди.

Кўриниб турибдики, айрим тариқатчиларнинг қилаётган амаллари шариат асосларига ҳам, тариқат анъаналарига ҳам тўғри келмайди. Бундан ташқари, оддийгина инсоний мантиқ мезонига ҳам мос эмас.

Биз юқоридаги масалалар бўйича мисоллар келтиришда атайин Аҳмад Сирхиндий ва Мухаммад Сиддик каби

тариқат пешволари фаолиятидан намуналарга тўхтадик. Бинобарин, Накшбандия-Ҳусайния тариқатининг айни кундаги пешвоси ҳисобланган Иброҳим эшон Маматкулов келтираётган тариқат силсиласида Аҳмад Сирҳиндий (Имом Раббоний) 23-ўринда, Мухаммад Сиддиқ эса 28-ўринда қайд этилган. Бундан кўриш мумкинки, замонавий тариқатчилар ўзларининг яқин ўтмишдаги устозларининг кўрсатмалари ва тутган йўлларидан узоқлашиб кетганлар ёхуд тариқат тарихидан етарлича хабардор эмаслар.

#### **6. Шукри вузуъ намозини қайси вақтда бўлса ҳам таҳорат олгандан сўнг дарров ўқиб олиш зарур.**

**Муносабат.** Бу масалада ҳам айрим нотўғри талқинлар мавжуд. Баъзи мутаассиб ва шариат илмидан бехабар тариқатчилар шукри вузуъ ўқишим керак деб, ўқилиши мумкин бўлмаган вақтларда ҳам намоз ўқишга ўтирадилар. Ваҳоланки, Мухаммад (с.а.в.)дан ворид бўлган саҳих ҳадисларда кун чиқаётган пайт, Куёш тиккага келганидан оғишига қадар, Куёш ботаётган пайтда намоз ўқилиши мумкин эмаслиги очик-ойдин баён этилган. Бу масала фиқҳ китобларида намоз ўқилиши макруҳ бўлган ва жоиз бўлмаган вақтлар деб санааб ўтилган. Жумладан:

ун عقبة بن عامر يقول: ثلث ساعات كان رسول الله صلى الله عليه وسلم ينهانا ان نصلى فيهن او ننحر فيهن موتنا حين تطلع الشمس باز غمة حتى ترتفع و حين يقوم قائم الظهيرة حتى تميل الشمس و حين تضييف الشمس للغروب حتى تغرب (رواہ الخمسة الا البخاری)<sup>18</sup>

Яъни: Уқба ибн Омир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бизларни уч вақтда: Куёш чиқаётганидан токи кўтарилиб бўлгунча, киём(Куёш тиккага келган пайт)даги иссиқ вақтда ва Куёш ботишга йўлланиб токи ботиб бўлгунинг қадар намоз ўқишидан ва ўлганларимизни қабрга кўйишидан қайтарар эдилар”.

Унга байъат қилмоқчи бўлганлар ёши, жинси, диний билим савияси, аклий қобилиятидан қатъи назар, муридликка қабул қилинади. Шунингдек, муридлари орасида балоғатга етмаган ёшлар бор ва улар талайгина. Бу эса «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг бир неча моддаларига зиддир. Жумладан, қонуннинг З-моддасида «Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишига йўл кўйилмайди», – деб белгилаб кўйилган. 9-моддада: «Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади» ва 14-моддада: «Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг

<sup>18</sup> Кифоя. Намоз китоби. Макруҳ вақтлар. 197-бет.

---

(диний ташкилотлар хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларда ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди», – деб белгиланган.

Кейинги пайтларда мазкур тариқат вакиллари ўзларининг қарашларини ошкора баён этадиган, бошқаларга ташвиқ этадиган, айрим ҳолларда ўзларининг тариқатчи эканликларини пеш қилган ҳолда ҳокимиятнинг қонуний ишларига ҳам эътиroz билдирадиган ҳоллари учради. Бунга Самарқанд вилоятининг Тойлоқ ва Ургут туманларидағи бир гурӯҳ тариқатчиларнинг аризабозликлари ва идораларга қонун доирасида бўлмаган турли талаблар билан чиқишлиарини эслаш кифоя.

**Самарқанд вилояти** ҳудудида фаолият юритаётган тариқатлардан бири ҳалқ орасида «Қора саллалилар» илмий тилда – Накшбандия-Мужаддидия деб аталади. Мазкур тариқат етакчиси Исоқжон Умаров (Исоқжон домла) 1911 йил Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош қишлоғида туғилған. «Қора саллалилар» тарафдорлари 1953 йилдан буён қора салла үрашади. Бугунги кунда тариқат тарафдорлари сони 5 минг кишидан ортиқ ва улар, асосан, Самарқанд (Самарқанд шаҳри, Нарпай, Тойлок, Булунғур, Каттақўргон ва Ургут туманлари), Навоий (Хатирчи, Қизилтепа туманлари, Навоий шаҳри), Қашқадарё (Муборак, Косон, Қарши туманлари), Тошкент вилояти (Бўка тумани, Қўйлиқ даҳаси) ва Хоразм вилоятлари ҳудудида истиқомат қилишади.

Исоқжон домла ўзининг тариқатга раҳбарлик қилиш фаолиятини 1983 йилдан бошлаган. У туттган йўлнинг негизи Накшбандия тариқатига боғланган.

Издошлиаридан бирининг фикрига кўра, Исоқжон домланинг тарбия услуги Фаридиддин Атторнинг услугига қиёсланади, яъни кишиларнинг айб-нуқсонларини юзига очиб ташламай, балки умумий гап ичида далолат қилиб кетилади. Ҳанафий мазҳаби таълимоти, соғ ақида эгаси бўлиш тарғиб қилинади. Ёшлар

онгига ақида илмини сингдиришни асосий мақсад деб такидлайдилар.

Бунда бидъатларни ҳасана (яхши) ва саййиа (ёмон)га ажратмайдилар. “Хар бир мұхдис (янгилик) бидъатдир ва ҳар бир бидъат залолат (адашишлик)дир” – деган ҳадис далил қилиб келтирилади.

Фикхий амалларга, ҳаттоки мустаҳабларига ҳам қаттиқ әзтибор берадилар.. Айтадилар: иймон түрт – фарз, вожиб, суннат ва мустаҳаб деворлари билан үралғандир. Мустаҳаб деворини қаттиқ ҳифз қилинглар, чунки агар мустаҳаб девори бузилса, шайтон суннат деворига хужум қиласы. Суннат девори бузилса бу иллат вожибга, вожиб девори бузилса, фарзга, фарз девори бузилса, иймонға хужум қиласы, дейдилар. Бу қолғанларига беәзтибор бўлгин дегани эмас, балки мустаҳаб амални ҳам тарк этмагинки, қолган амалларни сақлашинг батарика авло, деганидир. Яна бир фарқли жиҳатлари – “Ҳасанатул аброр саййиатил муқарробийн”, – деган усулий қондадир. Яъни “Аброрлар (яхши кишилар, солиҳ одамлар)га савоб бўлган амаллар муқорробийн (Аллоҳга яқин бўлган)ларга гуноҳ бўлади”. Масалан, нафл дуо ва зикрларни айтиб юриш, унинг ўрнига доимо қалбда Аллоҳнинг номини зикр қилиб юришга буюрадилар. Чунки Куръони

каримнинг жуда кўп оятларида Аллоҳни кўп зикр қилишга буюрилган. Тама қилишдан қаттиқ қайтарадилар. Кимки тама билан бирор нарса еса, ундан кўра заҳар егани афзал, деганлар. Шу сабабли ҳар бир муриднинг касб-хунар ўрганиши тарғиб қилинади.

Исҳоқжон домланинг тариқатида зикр таълимининг бир неча даражаси бор:

Биринчиси: зикри қалб. Бунда мурид бутун фикрини қалбига боғлаб, Аллоҳ деб юради.

Иккинчиси: зикри рух. Бу босқичда мурид хаёлинни икки кўкрак ўртасига қилиб, қалбида “Аллоҳ” лафзини такрорлаб юради.

Учинчиси: зикри сир. Ўнг кўкракдан икки энли пастга ҳаёлинни қилиб, “Аллоҳ” деб юради.

Тўртинчиси: зикри хафий. Ўнг биқинига ҳаёлинни қилиб, “Аллоҳ” деб юради.

Бешинчиси: зикри аҳфо. Икки қош ўртасига фикрни жамлаб, “Аллоҳ” деб юради.

Олтинчиси: зикри султон. Бутун жasadга мулоҳаза қилиб, “Аллоҳ” деб юради. Жasadга мулоҳаза қилганинг белгиси бирор билан уришмайди, талашмайди. Балки бу нарсалардан ўзини холи билиб, Аллоҳнинг зикри ва ишқи билан машғул бўлади.

Еттинчиси: нафий исбот. Бунда мурид юқоридаги бешта мавзега ҳаёлинни қаратиб “ла илаҳа иллаллоҳ” калимасини нафасни ичга саклаган ҳолда кунига минг мартадан такрорлашга буюрилади. Бу сабокда киши

йўқлик мақомига эришади. Аллоҳ лафзининг ўрнига “нест ман туи” зикрини тақорорлаб туради.

Саккизинчиси: тиловат. Бунда мурид кунига бир порадан Куръон ўқиб юради.

Тўққизинчиси: намоз. Ишрок (Қуёш кўтарилигандан кейин ўқиладиган намоз), аввобин (шом намозининг суннатидан кейинги икки ракаат нафл) ва таҳажҷуд намозлари ўқилади.

Ўнинчиси: бақо. Яъни “ла мавжуда иллаллоҳ” калимаси айтиб юрилади. Бунда мурид шундай мақомга етадики, дунёдаги жамики мавжудот йўқликда, факат Аллоҳ бор ва абадий эканлигини қалбан ҳис қиласди. Юқоридаги еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи сабоқларни ҳам мунтазам олиб боради. У зот кароматга мутлақо эътибор бермайдилар. Кароматга факатгина Расулуллоҳ (с.а.в.) даврларида мушриклар мўъжиза талаб қилганидек, иймони заифлар харис бўладилар. Шариатга қилча ҳам хилоф қилмасликнинг ўзи кароматдир дейдилар.

Исоқжон домла ва унинг тарафдорлари томонидан анъанавий ҳанафий мазҳаби аҳкомлари ва аҳли сунна вал-жамоа эътиқодига мос келмайдиган хатти-харакатлар кузатилаётгани улар билан бошқа намозхонлар ўртасида баъзи зиддиятларга сабаб бўлиб

қолмоқда. Мисол тариқасида қўйидаги холатларни келтириш мумкин:

- ўзгалар (тарафдорлардан бошқалар)нинг диний ёки дунёвий мазмундаги маросимларида иштирок этмаслик;

- қоплама (тилла, кумуш) тиш қўйган кишининг таҳорати мукаммал бўлмайди дейиш;

- намоздан кейин овоз чиқариб дуо ва тиловат қилишни макрух деб билиш;

- Муҳаммад (с.а.в.) замонасида бўлмаган ҳар қандай ишни бидъат (янгилик) деб билиш ва инкор этиш;

Энди “қора саллалилар” тариқатига хос хусусиятлар ва расм-руsumларнинг илмий таҳдилига тўхталамиз:

1. Ушбу тариқатдагилар **намоздан кейинги дуо ва тиловатларни** ошкора қилишни макрух деб қарайдилар. Бунга улар фатво китобларининг бир нечтасидан далиллар келтирадилар. Жумладан, “Фатовои Қозихон”да бу масалада шундай дейилади: “Беш ўринда: ухлаб ётган киши олдида; мажнун (жинни) олдида; маййит олдида; бошқа иш билан машғул бўлган киши олдида ва намоз ўқиётган киши олдида Куръон тиловат қилиб бўлмайди”, – дейилган. “Хизона” фатволар мажмуасида: “Ҳар бир намозни ўқиб бўлгач, масжидда Куръони каримни жаҳран ўқиш макрухдир. Чунки

кўп одамлар намозни ўқиб бўлгандан сўнг ўз ишлари билан машғул бўладилар.” Чунки бирор саҳих ва заиф ҳадис намоздан сўнг жаҳрий дуо ва жаҳрий тиловат қилиш кераклиги ҳақида ворид бўлмаган. Балки, Куръон қироатини эшитиб сомеъ бўлиш вожиб амал ҳисобланади. Аммо намоздан сўнг кўпчилик туриб кетади. Бунда туриб кетувчи ҳам, Куръон ўқувчи ҳам гуноҳкор бўлади.

Шунингдек, Куръон ўқувчи қироатни холис Аллоҳ учун қилмаса риё бўлади. Риё эса кичик ширкдир. Щу сабабли намоздан кейинги дуо ва тиловатни махфий қилишга буюради. Бунда барча намозхонлар ичларида қироат киладилар. Бир киши ўқигандан кўра савоби ҳам бир неча баробар зиёда бўлади.

**Муносабат.** Аввало айтиш керакки, намоздан сўнг дуо қилиш тўгрисида бир неча саҳих ҳадислар ворид бўлган. Жумладан, Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-Саҳих” асарининг дуолар бобида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг намоздан кейин турлича дуо қилганлари хусусида бир неча ҳадис келтирилган. Мазкур ҳадисларнинг ровийлари: “Расулуллоҳ мана бундай дуо қилганларини эшийтсанмиз”, – деб гувоҳлик берганлар. Бу эса дуо жаҳрий бўлганига далолат қиласи.

Куръонни бошқалардан эшитиш Муҳаммад (с.а.в.)нинг суннатларидандир. У киши ўзларига вахий нозил бўлиб турган бўлса-да,

саҳобалардан чиройли овозлиларини чақириб, Куръон тиловат қилишларига буюрар эдилар. Барча муҳаддислар ривоят қилган ҳадисда хабар берилишича: “Пайғамбаримиз (с.а.в.) бир куни Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.)ни чақириб менга Куръон ўқиб бер” – дедилар. Шунда у (ибн Масъуд) Ё Расулаллоҳ, Куръон Сизга нозил бўлган бўлса, мен қандай қилиб Сизга ўқиб бераман?” – деди. Расулуллоҳ (с.а.в.): “Ўқи, чунки мен бошқалардан эшлишини яхши кўраман”, – дедилар. У тиловат қилган пайтда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг икки кўзлари жикқа ёш эди” (муттафакун алайх)<sup>19</sup>.

Куръон қироатида умуман олганда Аллоҳ зикри, Унинг қудратининг зикри, жаннату дўзах зикри, тасбех, таҳлил, дуо, ваъз, умуман Аллоҳ номини эслаш бор. Шунинг учун Куръон қироати зикр, балки зикрларнинг энг улугидир. Аллоҳ таоло айтади: “Албатта Аллоҳнинг зикри улуғдир” (Анкабут, 45). Мазкур оятни “Ваҳий таржимони” деб улуғланган машҳур саҳоба Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) қуидагича тафсир қиласидилар: “Ва тиловатул-Куръони акбар” (Куръон тиловати улуғдир)<sup>20</sup>.

Хабарларда келтирилишича, саҳобалар бир жойга йиғилишадиган бўлишса, бирорталарига Куръон ўқишини буюрар эдилар. Умар (р.а.) Абу

<sup>19</sup> Абу Ҳомид Газзалий. Ихён улум ад-дин. 1-жилд. 392-бет.

<sup>20</sup> Ибн Моза. Ал-Мухит ул-бурхоний фил фикҳ ал-ханафий. 5-жилд, 314-бет.

**2. Қоплама (тилла, кумуш) тиш қўйган имомнинг орқасида намоз ўқимайдилар.** Чунки бу тариқат вакиллари қоплама аъзоси бўлган шахснинг таҳорати мукаммал бўлмайди, деган ҳукмни олади. Улар бу қараашларига “Хулосатул Фатово” китобидаги қуийдаги фатвони келтирадилар. Унда жумладан шундай дейилади:

جنب أغسل فبى على جسده لمعه لم يصبها الماء لم يخرج من الجنابة  
(خلاصة الفتاوى)

**Яъни: Жунуб бўлган киши гусл қиласа-ю баданида сув етмаган бир кичкина жой ёки нуқта қолса, у ҳолда ўша киши жунубликдан чиқмайди.**

Бунга фатвога асосан тариқатчилар пломба ёки қоплама тиш қўйдирган кишининг таҳорати мукаммал бўлмайди, деган фикрни илгари сурадилар. Шундай экан унинг орқасида намоз ўқиб ҳам бўлмайди.

**Муносабат.** “Хулосат ул-фатово”да келтирилган мазкур фатвода зикр қилинган “ламъа”нинг тиш ковагига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Тишга қоплама қўйишнинг ҳукми худди “Ал-Масху алал-жабийра”, яъни жароҳат етган аъзога масҳ тортиш ҳукмидадир. Аксинча, тишга қоплама қўймаса, ундан чиқадиган бадбўй ҳид билан жамоат билан намоз ўқиш макрухdir. Расулуллоҳ бадбўй ҳид билан масжидга киришдан қайтарғанлар. Жароҳат етган аъзо сув

текизиш ўрнига устига масҳ қилиш қандай жоиз бўлса, ковак тишга пломба қўйишнинг ҳукми ҳам худди шундай. Чунки тиш ковак бўяланда унга пломба қўйилмаса ёки қоплама қўйилмаса, унга ҳар хил овқат қолдиқлари кириб қолиши натижасида оғиздан бадбўй хид чиқишига сабаб бўлади. Ҳадисда айтилган:

نظفو افواهكم فلنها طريق للقرآن

(“Наззиifu афвоҳакум, файннаҳо тарийкун лил-Куръон”)

**Яъни: *Оғизларингизни тозалаб юринглар. Чуникум Куръон учун йўлдир.***

Шунингдек, яна кўплаб сахих ҳадисларда инсонлар озор чекадиган бундай бадбўй хиддан фаришталар ҳам озор чекиши, ўткир хидли (хом пиёз ёки саримсок) истеъмол қилган кишиларнинг жамоатга келиб, одамларга озор берганидан масжидга кирмагани яхшироқ экани ҳақида гапирилган.

Ҳанафий мазҳаби уламолари Имоми Аъзам ва Имоми Абу Юсуфлар тишга пломба қўйдираш ва тиш устига қоплама қилганда фақат кумушдан бўлишига рухсат берганлар. Имом Муҳаммад эса, тиш қопламасини олтин ёки кумуш билан қилса ҳам бўлаверади, деганлар. Бир қавлда бу сўзга Абу Юсуфнинг ҳам қўшилгани айтилган (Мабсут).

Зоҳирур ривоят китобларидан бири хисобланган Имоми Муҳаммаднинг «Ал-Жомеъ

ас-Сағиyr» асарида шундай дейилган: «Тишлар қимирлаб қолиб, тушиш хавфи бўлса, у тишни ёнидаги тишга кумуш билан мустаҳкам қилиб боғлаш мумкин. Лекин тилло билан боғлаб бўлмайди. Бу Абу Ҳанифа (р.а.)нинг ижтиходидир. Имоми Муҳаммад эса, тилло билан ҳам, кумуш билан ҳам боғласа бўлаверади, деганлар.

Имом Ҳокимнинг «Ал-Мунтақо» асарида Имоми Аъзам билан Абу Юсуфнинг қарашларини шундай ифода қилган: «Бир кишининг тиши қимирлаб, тушиш хавфи бўлса, тилла ёки кумуш (сим) билан боғлашда монелик йўқ».

Таржих соҳибларидан бири бўлган Қозихоннинг «Фатовои Ҳонийа» номли асарида Имом Ҳокимнинг сўзига изоҳ келтириб, шундай дейилади: «Бир кишининг олд тишларидан бири қимирлаб, тушиш эҳтимоли бўлса, уни тилло ёки кумуш билан боғлашда ҳеч қандай монелик йўқ. Тишни тишга боғлаш зийнат ҳисобланмайди. Лекин кумуш билан боғланишига ҳанафий уламолари ижмоъ қилгандар»<sup>22</sup>.

Имоми Аъзам (р.а.)нинг наздида тушиб қолган тишнинг ўрнига кумуш тиш қўйдириш мумкин. Имом Муҳаммад эса, тиш қўйдиришда тилло ва кумушга ҳам рухсат берган. Фикҳ китобларида тиш мавзусига алоқаси бўлган уч хил ҳолат кўзга ташланади:

<sup>22</sup> Ал-Муҳит ул-бурхоний, 5-жилд, 350-бет.

**Шадд:** Қимирлаб қолган тишларини мустаҳкам тишларга қўшиб боғлаш.

**Толик:** Тушган тишнинг ўрнига тилло ёки кумушдан бўлган ясама тиш қўйиб, ёнидаги тишлар билан қўшиб боғлаш.

**Табдид:** Энли ва текис ҳолга келтирилган тилло ёки кумушдан ясалган тишларни бутунлай қопланадиган даражада ёнидаги тишлар билан боғлаш.

Маждиддин Ферузабодийнинг «Қомус» асарининг таржимасида «табдид» сўзи: «Бир нарса устида ўралиб, у нарсанинг барчасини ўз ичига олиш» маъносини англатади, дейилган.

Тишни даволатишга оид мазкур уч хил холатдан қайси бири бўлишидан қатъи назар, қилинган муолажа натижасида ичкарига сув кирмайди. Шу сабабли унинг таҳоратга монелик қилиши хаёлга келса ҳам, боғланган, қопланган ёки тушган тиш ўрнига қўйилган тишлар асл тиш ўрнига ўтиши ва сувнинг мўлжалга етиши эътиборга олинган. Масалан, бир кишининг кўли ёки оёғи синиб, гипс қилинса ва таҳорат ёки фурслайти гипснинг устига масҳ тортиш ювиш ўрнига ўтади.

Мўътабар фиқҳ китобларида бу хусусдаги равшан ҳукм қуйидагичадир: «Танада машаққатсиз ювилиши мумкин бўлган жойларни ювиш фарздир». «Машаққатсиз ювилиши мумкин

бўлган» ибораси эҳтиёт бўлиш кераклигини англатади. Заар қўриш эҳтимоли мавжуд бўлгани сабабли ғул қилишда кўзнинг ичини ювиш шарт эмаслигига фикҳ китобларида очиқ айтилган. Шу сабабли тиш қўйдириш ёки қоплатиш масаласи фикҳ китобларида «Ғул» бобида эмас, балки «Китабул кароҳийат вал истиҳсон» (Кароҳиятли бўлган ва яхшини танлаш боби) ва «Китабул ҳазри вал ибоҳа» (Эҳтиёт бўлиш ва рухсат бериш ) бобларидан ўрин эгаллаган.

Келтирилган далиллар тилло ёки кумуш тиш қўйдириш мумкинлигини кўрсатиши баробарида, баъзи мутаассиб тоифалар томонидан қилинаётган «ясама тиши бор имомнинг орқасида намоз ўқиш мумкин эмас», - деган даъволари асоссиз эканини англатади<sup>23</sup>.

**Муҳаммад (с.а.в.) замонасида бўлмаган ҳар қандай ишини бидъат (янгилик) деб билиш ва инкор этиш.**

**Муносабат:** Дарҳақиқат, Расулуллоҳ (с.а.в.) дан:

کل محدثة بَدْعَةٌ كُلُّ بَدْعَةٍ ضَلَالٌ وَ كُلُّ ضَلَالٍ فِي النَّارِ

**Яъни:** “Ҳар бир янгилик бидъат, ҳар бир бидъат залолат ва ҳар бир залолат жсаҳанинамдадир” (Муттафакун алайҳи).

Уламолар бидъат хусусида турлича фикрлар билдирганлар. Жумладан, Имом Шофеъий:

<sup>23</sup> Узбекистон мусулмонлари идораси томонидан нашр этилган “Сўраган эдингиз...” рисоласининг 5-сони, 9–13-бетлар.

“Суннатга мувофиқ бўлган бидъат бу яхши бидъат ва унга хилоф бўлгани ёмон бидъат”, – деб билганлар.

Пайғамбар (с.а.в.)дан сўнг Умар ибн Хаттоб Рамазон ойида тарових намозини жамоат билан адо қилишни тавсия қилганлари яхши бидъатга мисол бўла олади. Бунга сахобалардан ҳеч ким қаршилик қилмадилар. Бизларнинг диёрларимизда вафот этган кишининг руҳига бағишлиб уч, етти, йигирма, кирк, бир йил каби саноқ сонлар билан белгиланадиган маросимлар жорий қилинган. Булар ёмон ва тарк қилиниши керак бўлган бидъатларга мисолдир.

Ўз даврида уламолар султони номи билан машхур бўлган Иззу Абдусалом (ваф. 660/1262) бидъатни қуйидагича тасниф этган:

Вожиб (арабий илмларга асос солиш ва ўрганиш каби).

Мандуб (мадрасалар барпо этиш каби).

Ҳаром (Қуръони карим оятларини арабий лафзига хилоф тарзда бузиб тиловат қилиш каби).

Макрух (масжидларни ортиқча безаш каби).

Мубоҳ (турли таомларни хонтахта устига кўйиб ейиш каби).

Расулуллоҳнинг даврида бўлмаган ҳар нарсани бидъат – адашишлик деб билиш тўғри бўлмайди. Чунки нахъ ва сарф илми

каби динимизнинг муқаддас китобини тушунишимизга ёрдам берувчи илмлар, талабаларга диний ва дунёвий илмлардан сабоқ берадиган, мутахассислар тайёрлайдиган мадрасалар, компьютердан дин илмларини ўрганиш каби нафақат мусулмонлар, инсониятга фойдали бўлган амаллар ўша даврда бормиди?!

**Сурхондарё вилояти** худудида ҳам тариқатчилар фаолияти сезиларли кузатилмоқда. Унинг етакчиларидан бири Дўстмуҳаммад Турсунов (Шайх Дўстмуҳаммад Турсун) 1935 йили Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида туғилган. 2003 йилга қадар мазкур тумандаги “Домулло Қосим” масжидида имомлик қилган. У бошланғич диний таълимни бобоси мулла Абдуллоҳ Охундан олган. Кейинчалик нуроталик кори Махдум, қози домла Абдурашид Фарғоний, Мухаммад Шариф Мавлавий-Ҳиндистонийдан Куръон ва фикҳ илмларини, шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий-Нақшбандий ва шайх Абдусалом Гийлонийга мурид бўлиб тариқат илмларини ўрганганд. Мазкур Гийлонийдан тариқатга муршидлик қилиш учун ижозат олган. Туркистон (Қозоғистон) шаҳрида «Туркистон Бобо» ёки «Ҳазрат Қозоқ Махдум» деб ном қозонган шайх Абдулҳай, Тошкент шаҳрида домла Сирожиддин Лазгинлардан шариат илмларини ўрганганд.

Вилоятнинг жанубий-шарқий туманлари (Шўрчи, Узун, Денов, Сариосиё, Ангор туманлари), Қашқадарё вилояти ҳамда Фарғона водийси (Андижон шаҳри) уламолари орасида ва бошқа вилоятлар ахолиси орасидан ўз тарафдорларига эга. Барча тариқатчиларга хос бўлган ҳолат, Д.Турсуновнинг муридлари орасида тадбиркорлар, фермерлар, вилоятдаги катта-катта идораларнинг мутасадди раҳбарларини кўриш мумкин. Муридларининг таъкидлашича, Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган бошқа тариқатчиларга нисбатан Д.Турсунов диний билимларни мукаммал билади. Шунинг учун издошлари уни “Шайхул ислом”, “Шайх” тахаллуслари билан атайдилар. Шунингдек, 2004 йилда Д.Турсуновнинг «Мерос» рисоласи («Адолат» нашриётида) чоп этилган.

Сўнгги йилларда Дўстмуҳаммад домла тариқат муршиди сифатида кўзга кўринди. Бу, аввало, унинг диний билим савиясининг юқорилиги ҳамда муридлардан тушаётган маблағ эвазига саҳоватли бўлганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун вилоят мусулмонлари ва диний уламолари орасида катта обрўга эга. Иккинчи ва асосий сабаблардан бири шуки, Иброҳим эшон Фарғона водийси худудида кенг фаолият олиб борганидан сўнг ўзи ва издошлари томонидан анъанавий ҳанафий мазҳаби

тамойилларидан бир нечасининг бузилаётгани намоён бўлди. Буни кўрган бир қатор уламолар, жумладан Андижон вилоятида кўзга кўринган дин арбоблари Иброҳим эшон билан мулоқотга киришиб, унинг хато-камчиликларини фикҳий манбалар асосида кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар. Бу уринишлардан натижа чиқмагач, улар мазкур Дўстмуҳаммад Турсуновни ҳар тарафлама қўлланса, Иброҳим эшонга яхши рақобатчи бўлиши мумкинлигини тушуниб етдилар. Натижада унинг ҳар қандай тўй-маъракасида андижонлик уламолар қатнашадиган бўлдилар. Албатта, бу унинг халқ орасидаги обрўсини янада ошишига олиб келди.

Д.Турсунов ўзини Накшбандия тариқатининг пири муршиди деб билади ва муридларни қабул қилиб, уларга тариқат одоблари бўйича вазифалар беради. Бу вазифалар асосан нафл ибодатлари ва зикр хусусида бўлади

Шариат илмларидан ўзининг маълум даражадаги малакасига қарамай Д.Турсунов домланинг ҳам анъанавий имомлар билан бир неча масалаларда келиشاолмайдиган тарафлари ҳам мавжуд. Булар:

1. Эҳтиёти пешин намозини ўқишини қаттиқ ҳимоя қиласиди;
2. Ўлган кишига давра қилиш лозимлигига фатво берган;

3. Ўзидан бошқа тариқатчилар – Иброҳим эшон, Исҳоқ эшон кабиларни ошкора танқид қилиб, уларнинг адашганликларини айтади.

Қўйида мазкур масалалар бўйича батафсилроқ тўхталишга ҳаракат қиласиз:

1. Бу тариқат вакиллари эҳтиёти пешин ўқилиши шарт, деб биладилар ва бир неча йиллардан буён Ўзбекистон мусулмонлари идорасига шу масалада фатво чиқарилишини сўраб мурожаат қилганлар. Буни қуйидагича тушуниш лозим: Аллоҳ таоло бандаларига жума намозини фарз қилган. Аммо жума ўқилиши учун бир неча шартлар топилиши лозимдир.

Шуларни далил қилиб, Д.Турсунов бизнинг диёрларда ҳам эҳтиёти пешин намози ўқиш лозимлигини таъкидлаб келади. Маълумотларга караганда, Д.Турсунов ва унинг шогирдларидан бўлган бир неча имомлар, ҳатто Умра ва Ҳаж зиёратлари вактида ҳам зиёратчиларни эҳтиёти пешин ўқишга даъват қилиб келганлар.

**Муносабат.** Дарҳақиқат, ҳанафий мазҳабида жума намози ўқилишининг бир неча шартлари бор. Жумладан ҳанафий мазҳабининг мўътабар манбаларидан бири “ал-Мабсут” асарида қуйидагилар санаб ўтилган:

**1. Шаҳар бўлиши.** Ҳанафий уламоларидан Ибни Шужоъ шаҳар деган иборани шарҳлаб шундай дейди: “Бир масжид атрофида

яшайдиганлар (намозга чиқиши мумкин бўлганлар)нинг барчаси йиғилса ва масжидга сиғмаса, ўша ҳудуд шаҳар хисобланади”. Бу фикрнинг замонавий уламолардан Ваҳбат аз-Зухайлий ҳам таъкидлаган<sup>24</sup>.

**2. Ҳоким (Султон) томонидан рухсат этилган бўлиши.** Яъни масжидда жума намози ўқилишига ҳокимият, адлия идоралари ва ўша давлатдаги масжидлар иши билан шуғулланадиган (Вакф ишлари вазирлиги, Дин ишлари вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси) каби идоралардан рухсат олган бўлиши шарт<sup>25</sup>.

**3. Изнул-ом,** яъни барча бирдек намоз ўқийверишига рухсат этилган бўлиши шарт. Мазкур икки шарт асосан масжидда одамлар йиғилган пайтда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, турли фитналар чиқишининг олдини олиш учун белгиланган.

**4. Жамоат бўлиши.** Яъни ҳанафий мазҳабининг фатволарига кўра, имомдан ташқари икки ёки уч киши йиғилса бўлади.

**5. Вақт.** Албатта намоз вақти кирган бўлиши лозим.

#### **6. Хутба ўқилиши лозим.**

Агар ушбу шартлардан бирортаси мавжуд бўлмаса, жума намозининг мукаммал бўлишида

<sup>24</sup> Караг'ян: 1. Ваҳбат аз-Зухайлий. ал-Фикҳ ал-исломий ва адиллатуҳу. Бейрут. Дор ал-кутуб ал-илемийа. 1997. 2-жилд. 1291-1294-бетлар; 2. Имом ас-Сараҳсий. Бадойеъ ас-Санойеъ. Байрут. Дор ал-кутуб ал-илемийа. 1-жилд. 260-бет.

<sup>25</sup> Караг'ян: Ваҳбат аз-Зухайлий. Фикҳ ал-ислом ва адиллатуҳу. Бейрут. Дор ал-кутуб ал-илемийа. 1997. 2-жилд. 1294-бет.

ва ундан олдинроқ кимдир ўқиб бўлганлигига шубҳа уйғонади. Шунда эҳтиётан пешин намозини ўқиб кўйиш кераклиги тўғрисида баъзи уламолар фатво чиқарганлар. Жумладан, Имом Абу Ҳанифа мазҳабида агар жума намозининг шартларидан бирортаси мукаммал бўлмади, деб шубҳага борса, жума намозидан кейин охирги пешинни ният қилиб, одамларни иккилантирмаслик учун ўз уйида тўрт ракаат ўқииди, деб фатво берилган. Бироқ уларнинг бир нечаси замон тақозоси билан ўз кучини йўқотган ва кўплаб уламолар томонидан бу ҳақда фатволар чиқарилган. Жумладан, мусулмон дунёсининг етук илм марказларидан бири Мисрдаги ал-Азҳар мажмуасининг 734-сонли “Жума намозидан кейин пешин ўқилиши ҳақида”ги фатвоси айнан ушбу масала хусусидадир. Унда жумладан шундай дейилади: “Жойнинг тор бўлиб қолиши ёки эски масжиднинг таъмирталаб ҳолатга келиши сабабли ёки шаҳарда икки душман тоифанинг вужудга келиши ва уларни бир масжидда бирлашиши фитнага сабаб бўлиши мумкин бўлганда бир шаҳар аҳолиси бошқа масжидда жума ўқишилари мумкин. Бундан кейин эҳтиётан пешин ўқилиши ҳақидаги гапнинг на Китоб ва на суннатдан далили йўқдир. Ишончли (саҳих) гап шуки, зарурат ва эҳтиёж бўлса бир шаҳарда бир неча жума ўқиладиган масжид бўлиши мумкин. Бу барча фуқаҳолар иттифок қилган ва шариат руҳига мос келадиган гапдир.

Уламоларнинг фикрича ибодатнинг моҳияти Расулулоҳ (с.а.в.)га мувоғиқ бўлишиликдир. Жума намозидан кейин эҳтиётан пешин ўқиш хақида эса Мұхаммад (с.а.в.) хеч нарса демаганлар”.

2. Марказий Осиё мусулмон халқларининг баъзилари ўртасида тарқалган мархумга атаб ўтказиладиган “давра” маросимининг шариатда буюрилганига етарли далиллар бор, деб исботлашга ҳаракат қиласи ҳамда бу маросимни амалга оширилишини талаб қиласи.

**Муносабат.** “Давра” дегани луғатда “айланиш” маъносини англатади. Бу ўринда “давра” ўлган кишига атаб ўтказиладиган маросим бўлиб, майитга ҳали жаноза ўқилмай туриб амалга оширилади. Бунда мархумнинг умри давомида ўқиши зарур бўлган намозлари ва амалда ўқиган намозлари ҳисоблаб чиқиласи. Рўзалари ҳам шу тарзда ҳисобланади. Шундан кейин адо этилмай майит зиммасида қолган ибодатлар пул ёки буғдой ҳисобида кўпайтирилиб, мархум қолдирган мулкнинг меросхўри бир қисмини эҳсон қилиши талаб этилади. Меросхўр муайян маблағни (мисол учун 200 минг сўмни) даврадагиларга беради. Улар бу маблағни олиб мархум ибодатларни бажара олмаган йиллари миқдорида (60 ёшга кирган бўлса, унга 12 ёшда намоз ва рўза каби ибодатлар фарз бўлган деб, қолган 48

йил учун 48 марта) ҳалиги маблағни даврада бир-бирларига ўтказишиади. Бунда бир киши қуидаги сўзларни айтиб туради:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ  
لَيَنْتَلُوكُمْ أَيُّكُمْ أَخْسَنُ عَمَلاً هُرْ حَقٌّ وَحَقُوقِكُهُ حَضْرَتْ حَقٌ سَبْحَانَهُ وَ  
تَعَالَى اسْتَ بِرْ نَمَاءَ فَلَانْ وَلَدْ فَلَانْ ازْ صَوْمٍ وَصَلَاتَةَ وَحْجَ وَزَكَةَ وَ  
سَائِرَ وَاجِبَاتَ لَازِمَ بُودَهُ بَعْضُراً اَذَا كَرِدَ بَعْضَراً قَضَا كَرِدَ، الْحَالَ بِسَبِّبِ  
مَوْتٍ عَاجِزٌ أَمْدَسَتَ وَدَرَ بَدَلَ فَدِيهَ صَوْمٍ وَصَلَاتَةَ يَكْ سَالِي مَتَوفِيَ  
مَذْكُورٌ هُمْ إِنْ شِئْرَا بِشَمَا بَخْشِيدِمْ

Яъни: “Сизларнинг қайси бирингиз яхшироқ амалларни қиласиз деб ўлим билан ҳаётни яратган Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Фалончи фалончининг ўглиниң зиммасида рўза, намоз, ҳажс, закот ва бошқа возможботлардан Аллоҳ таолонинг ҳаққи бўлса, баъзиларини адo қилиб, баъзиларини адo эта олмай қолган бўлса, ҳозир ўлим сабабли ожиз бўлгани учун марҳумнинг рўза ва намозининг фидяси сифатида сизга мана шу маблагни бераман”.

Шу тариқа даврада мавжуд бўлганларнинг ҳар бири ҳалиги маблағни қабул қилиб олади ва ундан кечади. Олди-бердининг саноғи марҳумнинг умрига қараб бўлади. Шундай қилиб, даврага йиғилғанлар майит зиммасида бўлган намоз ва рўзалар учун меросхўрдан муайян бир (баъзида аввалдан келишиб олинган) маблағни оладилар.

Бу иш ҳийлаи шаръий, яъни шариат ишида қўлланиладиган ҳийла ҳисобланиб,

асл шариат манбаларида унга бирор кўрсатма қайд этилмаган. Бошқача қилиб айтганда, христианликнинг католик оқими руҳонийлари томонидан марҳумнинг гуноҳлари кечирилиши учун ҳак олиб каффорат варакаси (индульгенция) беришдан ҳеч қандай фарқи йўқ. Айтиш жоизки, католик оқимидаги шунга ўхшаш эътиқод ва амаллар христианликнинг бошқа оқимлари томонидан ҳам қабул қилинмаган ва кейинчалик протестантлик йўналишининг вужудга келишига сабаб бўлган.

Агар майитнинг бирор кишидан қарзи бўлса-ю, ўша маблағни қолдирилган мерос ҳисобидан тўлаб берилса, буни тушуниш мумкин. Чунки банда устидаги бандаларнинг ҳаққини бу дунёда ёки охиратда адо этилиши лозим. Бироқ намоз, рўза каби ибодатлар Аллоҳнинг ҳаққи ва У кимга хоҳласа, бу ҳақни кечириб юбориши мумкин. Иккинчидан, Аллоҳнинг номидан бандаларнинг гуноҳини ҳисоб-китоб қилиш учун ҳеч кимга ваколат берилмаган. Бир сўз билан айтганда “давра” қилиш ислом динига киритилган бидъат амал бўлиб, ундан воз кечиш лозимдир.

**Ўзини Накшбандия тариқатининг ҳақли давомчиси деб билади ва бошқа пирликни даъво қилиб келаётганларни кескин коралайди.** Ўзбекистонда фаолият олиб

бораётган тариқат вакилларидан баъзиларини ошкора тарзда адашганлик ва ҳатто куфрда айبلاغан ҳолатлари бўлган. Жумладан, Иброҳим Эшоннинг “қазо намозларининг ўқилмаслиги,” “пирга қўл берганинг гуноҳлари кечирилиши” каби кўплаб қарашлари ошкора танқид қилинади.

**Муносабат.** Ўз қарашларини тўғри деб, бошқаларни ошкора танқид қилиш фитнага сабаб бўлиши мумкин.

Сурхондарё вилояти худудида шайхлик даъвосини қилиб юрганлардан яна бири Абдураззок ҳалфадир. У бир пайтлар шайхлик даъвоси билан ўз атрофига бир қанча издошларни тўплашга эришган марҳум Тожи ҳалфанинг ўғлидир. Абдураззок 1974 йили Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида тугилган. Диний соҳада ёки тариқат одоблари бўйича маҳсус таълим олмаган. Лекин нотиқлиги ҳамда мусулмонларни ўзига жалб қилиш қобилияти туфайли туманда катта обрў-эътиборга эга.

Мавжуд маълумотларга кўра, Абдураззок ҳалфа уйида масjid қурган ва шу ерда ўз издошлари билан ибодат қиласди. Туманда мазкур тариқат тарафдорларининг 60 фоиздан кўпроғи уста Тожи ҳалфа муридлари ҳисобланади.

Шу билан бирга, вилоятнинг Денов туманида Нақшбандия тариқатининг жаҳрий

усулда (овоз чиқарып ибодат қилиш) ибодат килувчилар сони қўпайиб бормокда.

Андижон вилояти ҳудудида ҳам Нақшбандия тариқатининг айрим вакиллари фаолияти кузатилмоқда. Улардан бири Зухриддин Эшонов (шайх эшон Зухриддин кори Нақшбандий-Шаҳрихоний) 1927 йил 15 январда Андижон вилояти Шаҳрихон туманида туғилган. У ўз тариқати силсиласида 43-пир.

З.Эшонов бошланғич диний таълимни 1950 йилларда Хўжаназар хожи Шаҳрихоний Деҳқон хожи ўғлидан олган. Сўнг Андижон вилояти Марҳамат туманидан бўлмиш Мавлавий шайх Кўхиstonий, Абул Аббос Ғойибий, шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий каби Нақшбандия тариқати пирларидан таҳсил олган. Шайх Муҳаммад Шариф Ҳисорий унга «дилшод» унвонини берган («дилшод» унвони пирликни орзу қилувчи маъносини англатади).

З.Эшонов 1991, 1999, 2005-йилларда Макка шаҳрида ҳаж сафарида бўлган. 1993 йил Кашғар вилоятида (Хитой) 35 кун бўлиб, у ерда Ёсун, Турди, Қодир исмли халфалари билан учрашган. 1997 йили Туркияда 23 кун бўлганда Нақшбандия тариқати раҳнамоларидан бири бўлмиш Маҳмуд Асьад Жўшан билан учрашган.

З.Эшонов фаолиятига бағишлаб матбуот нашрларида бир неча мақолалар чоп этилган.

Жумладан, Бухорода нашр этиладиган «Накшбандия» илмий-маърифий газетаси (1998), «Ислом нури» (2004), «Андижоннома» ва Душанбе шаҳрида (Тожикистон) чоп этиладиган «Замондош» ҳафтагазетларида эшон фаолиятига багишлаб мақолалар чоп этилган. Унинг сўзларига кўра, «Ислом нури» газетасида чоп этилган мақоласи турк тариқатчилари томонидан араб тилига таржима қилиб, Туркияга олиб кетишган.

Шунингдек, Андижон вилояти Шаҳрихон туман ҳокимлиги муассислигига чоп этиладиган «Янги хаёт» газетасининг 2008 йил 10 июлдаги сонида «Саодатли давр шарофати: Зухриддин Эшон - академик ва шайх» сарлавҳали мақола чоп этилди. Бу мақола вилоятнинг кўплаб расмий имомлари зътиrozларига сабаб бўлди. З.Эшоновнинг «Хожагон-Накшбандия тариқатида хуфия зикр одоблари» номли рисоласи «Мовароуннахр» нашриётида (2005) чоп этилди. Мазкур рисолани нашрга тайёрловчи Рустам Хамроқулов унинг шогирди ҳисобланади.

Ўзининг айтишига караганда, ҳозирда З.Эшонов Тошкент, Бухоро ва Фарғона, Қирғизистоннинг Ўш, Ўзган, Жалолобод, Ҳитойнинг Қашғар вилоятларида ва Тожикистонда 3 мингга яқин муридларига эга.

Маълум бўлишича, З.Эшонов табиати жуда оғир шахс ҳисобланади. Ўзбекистонда фаолият өлиб бораётган тариқатчилар орасида Нақшбандия тариқатига пир-муршидлик қилишга ўзини бошқалардан муносиброқ, деб ҳисоблайди. Балки ўзининг табиати, ёки қарилек тъєсириданми у киши ҳурмат талаб, тезда асабийлашадиган, ўзи ҳакида гапиришни яхши кўрадиган бўлиб қолган. Шу сабабларга кўра, кейинги йилларда қўни-қўшнилар, муридлар ва тариқатчилар олдидағи мавқеи анча наслайган.

Бундан ташқари, Зухриддин эшоннинг фаолиятида ҳам асл Нақшбандия асосларидан узоклашиш ҳолатларини кўриш мумкин. Жумладан:

1. Таҳажҷуд намози ҳакида Зухриддин эшон шундай дейди: “Ушбу намоз туннинг учдан бир қисми қолгандан то субҳи содикгача ўқилиши мумкин. Ракаатларнинг такрорланиш тартиби қуйидагича: биринчи ракаатида 12 маротаба, иккинчисида 11 маротаба «Ихлос» сураси зам қилинади. Демак, ҳар бир ракаатда биттадан сура камайтириб борилади ва охиргиси ўтирган ҳолда ўқиласи (12 ракаат тик, 2 ракаат ўтирган ҳолда. Охирги икки ракаати ўтирган ҳолда адо қилинганлиги учун зоҳирий кўриниши 14 ракаатдир, ботиний кўриниши эса 13 ракаатдир).

Таҳажжудни 12 ракаат ўқишига имкони бўлмаса, озроқ ўқиса ҳам бўлаверади.

**Муносабат.** Имом Раббоний ўзининг юкорида зикр қилинган “Мактубот” китобида “Хожа Муҳаммад Қосим Хожагий Имканагийга Нашбандия тариқатининг мадҳи ва унга бидъатларни киритганларнинг танқиди” номли мактубида таҳажжуд намози хақида шундай ёзади: “Улар (бидъатчилар) таҳажжуд намозини 13 ракаат дейдилар, ундан ўн икки ракаатини туриб ва охирги икки ракаатини ўтириб ўқийдилар. Ўзларининг ўтириб ўқилган икки ракаат намознинг савоби тик туриб ўқилган бир ракаат намозга teng бўлади деган даъволари билан ўқиган таҳажжудларини зоҳиран ўн тўрт ракаат, ботинан 13 ракаат дейдилар. Бу ишлари суннатга зиддир. Чунки Расулуллоҳ (с.а.в.) таҳажжуднинг уч ракаатлик витр билан 13 ракаат ўқиганлар (10 ракаат таҳажжуд ва 3 ракаат витр). Анави бидъатчилар даъво қилганларидек эмас”<sup>26</sup>.

Кўриниб турибдики, З.Эшонов ҳозирда тарғиб қилаётган тариқатни бундан уч аср аввал Аҳмад Сирхиндий танқид қилиб “бидъатчи тариқат” деб атаган. Агар Зухриддин эшон ўзининг «Хожагон-Нақшбандия тариқатида хуфия зикр одоблари» номли рисоласида келтирган силсилаға қарайдиган бўлсак, унда 23-тартиб рақам билан Аҳмад Форук

<sup>26</sup> Аҳмад Сирхиндий. Мактубот. 356-бет

ас-Сарҳиндий турганини кўрамиз. Бундан келиб чиқадики, замонавий тасаввуф ўзининг анъанавий илдизларидан анча узоклашиб кетган. Бошқача килиб айтганда, Нақшбандия тариқати Баҳоуддин Нақшбанд асос солган, Имом Раббоний ислоҳ қилган асосларидан анча узоклашган ва унга кўтилаб бидъатлар киритилган.

Юқорида Иброҳим эшоннинг тариқатидаги таҳажжуд намози хақида гапирганда биз айнан шу масалага тўхташимизни айтиб ўтган эдик. Зеро, Иброҳим эшоннинг йирик издошлиари ҳам таҳажжуднинг ракаатлари хақида Зухриддин эшоннинг фикрига мувофиқ гапларни айтганлар.

Мазкур шаҳарда фаолият юритган тариқат вакилларидан бири **Одилхон Саломов (Одилхон қори)** 1928 йили Андижон шаҳрида туғилган ва 2009 йили шу ерда вафот этган.

Ҳозирги кунда бу сулукка наманганлик сартарош-уста Абдураҳмонов Абду Боқи раҳбарлик қилинти.

Одилхон кори ўз тариқати шажарасида 36-пир ҳисобланади. У Нақшбандия тариқатининг жаҳрий зикрга асосланган шохобчасига раҳбарлик қилган. Бу тариқат тарафдорлари ҳар пайшанба куни пирнинг ҳовлисида, мавлид ойларида ёки бошқа каттароқ тадбирларда Фарғона водийсининг турли жойларида жамланиб, меҳмондорчилик ва зикр маросимлари ўтказиб турадилар.

Вилоят имомлари ва маҳаллий аҳолиси билан бўлган сухбатлардан О.Саломовнинг диний билими етарлича эмаслиги, шариат қоидаларини мукаммал билмаслиги аникланди. Муридлари билан бўлган сухбатларда ҳам уларнинг диний билим даражаси пастлиги, шариат қоидаларига тўлиқ риоя қиласликлари маълум бўлди.

Одилхон корининг 30 йилдан буён маслакдошлари бўлиб келаётган муридларидан иккитаси шариатнинг айрим қоидаларини (гусл қилиш нияти, баъзи намоз ўқиш қоидаларини) билмаслигини маълум қилишган. О.Саломов муридликка 30 ёшдан ошган кишиларни қабул қиласди. Одилхон корининг 10 дан ортиқ муридлари доимий унинг хизматида туради. Унинг муридларидан бири Сойибжон корининг маълум қилишича, О.Саломовнинг фақат жойлардаги ҳалфалари Андижон эски шаҳри Олтинсой кўчаси 117-хонадонда (О.Саломовнинг аввалги ҳовлисида) ҳар пайшанба «аср» намозидан кейин доира шаклида рақс усулида баланд овозда зикр тушишади (араб. - ёдга олиш, эслаш, яъни тасаввуфда худони ёдга олиш билан боғлик маросим). Ҳалфалардан бошқа барча муридлар 5–10 киши бўлиб, бир-бирларининг уйларида зикр тушишади. Улар ҳанафий мазҳабида ибодат

қилишади ва ҳозирги кунда уларнинг сафи беш юздан ортиқ кишини ташкил этади. Андижон ва Фарғона вилоятлари расмий имомлари орасида Одилхон қори тарафдорлари йўқ. Ўзи кексайиб, анчагина кучдан қолганлиги сабабли Андижон вилоятидан Абду Қуддус, Иззатилло қори, Сойибжон қори ва Наманган вилоятидан Абду Боки каби муридларига иршод берган.

**Одилхон қорининг иршодномаси қуйидаги шаклга эга:**

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим.

Алҳамду лиллаҳи лазий навваро қулубал орифийна би лавамиъил анваари ва ровваҳа би роваиҳил асрори. Вас солату вас саламу ала росулиҳи саййидил аброри. Ва ала аалиҳи ва асҳабиҳил ахъаари. Амма баъд. Эй толиб билингки, Ҳак, субҳанаҳу ва таоло Он Ҳазрат соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муншарих қалбларига ифоза қилган нарса ва ҳазрати Сиддиқи акбар розияллоҳу таоло анҳуга ва улардан ҳазрати Салмони Форсий розияллоҳу таоло анҳуга ва улардан ҳазрати Қосим ибни Мухаммад ибни Сиддиқи Акбар розияллоҳу таоло анҳуга ва улардан ҳазрати Имом Жаъфари содиқ розияллоҳу таоло анҳуга ва улардан ҳазрати Абу Язид Бастомий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Абулҳасан Ҳароқоний роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан

ҳазрати Абу Али Фармадий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадоний роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Абдулхолик Ғиждувоний роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Ориф Ревгарий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Маҳмуд Анжирфағнавий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Али Ромитоний роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Бобо Самосий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Сайид Амир Кулол роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Баҳоул ҳақ вад дин Нақшбанд қоддасаллоҳу руҳаҳуга ва улардан ҳазрати Мавлоно Яъқуб. Чархий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Ахрор роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мавлоно Зоҳид роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мавлоно Дарвеш роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мавлоно Хожа Имканагий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Хожа Боқий биллоҳ роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Ином Раббоний Мужаддиidi алфи соний роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мухаммад Саъид роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Шайх Абдулаҳад роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мавлоно Обид роҳматуллоҳи алайҳга ва

улардан ҳазрати Мұхаммад Мусо роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Халифа Сиддик роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Халифа Ҳусайн роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Халифа Абдуссаттор Махдум роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мулло Мұхаммадсолих халифа роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Мұхаммададмин роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Халифа Абдулвоҳид Туркестоний роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан ҳазрати Халифа Абдуллоҳ хон қорий Тошқандий роҳматуллоҳи алайҳга ва улардан биз ожиз ва бечора, яъни Халифа Ҳожи Одилхон Андижонийга фақат Тангри жалла сұлтонуҳуннинг иноят ва қарами ва маҳзи фазли ва атоси ёрдамида ахли ҳақиқатта хизматкорлик давлатини бериб сарафroz қилдилар. Бу факир хам үшбу фазилатлар ва камолоти иқтисобани халифада ундан күн зоҳир бўлиб зиёда бўлиб бораётганлиги жихатидан бу кишига зикр ва тариқат таълимига ижозат берилди. Бу киши Ҳазрати Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайхи ва саллам суннатларида истиқомат қилиш, маъмуротни адo қилиш ва муқтадо шайхларга муҳаббатли бўлиш шартлари билан толибларга тариқат зикрининг таълимини бермоғи лозим. Аллоҳ бу ишларга уни муваффақ қилсин. Вассаламу ала ман иттабаъал ҳудаа.

О.Саломовнинг тариқатдаги шажараси И.Маматкуловники билан деярли бир бўлса-да, бироқ бу шохобчада нимагадир жаҳрий зикр йўли танланган деган савол туғилиши табиий. Маълум бўлишича, О.Саломов Тожикистонлик Муҳаммад Шариф Ҳисорийдан ҳам иршод олган ва ушбу пир унга жаҳрий усулида ибодат қилишга ижозат берган. Чунки Нақшбандия-Мужаддидия-Ҳусайния тариқатининг асосчиси бўлган Муҳаммад Ҳусайн хафий зикр билан бир қаторда жаҳрий зикрни ҳам амалда кўллаб қелган. Бу нарса унинг замондош уламоларининг танқидига учрашига сабаб бўлган. Ўз навбатидан Муҳаммад Ҳусайн шогирдларига зикрнинг мазкур икки туридан хоҳлаган бирини танлаш ҳукукини берган.<sup>27</sup>

**Нурсафардия.** Жиззах вилоятида ўзини тариқатнинг янги кўринишининг асосчиси деб биладиган Сафар Кушаров томонидан (1952 йили Бахмал туманида туғилган) «Нурсафардия» тариқати тарқала бошлаганини кузатиш мумкин. Бу тариқат вакилларининг Тошкент ва Жиззах шаҳарларида бир неча “Сўфий табобати” тиббий марказлари мавжуд. Бундан ташқари, С.Кушаров “Сўфий жанг санъати” номи билан туркум рисолалар чоп эттирган.

<sup>27</sup> Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских групп. Суфизм в Центральной Азии. Санкт-Петербург. 1999. -С.352.

## НУРСАФАРДИЯ ТАРИҚАТИГА ОИД КИТОБЛАРНИНГ ТАВСИФИ

1. Сўфий (мусулмон) жанг санъати усуллари. Китоб муаллифи Шайх Сўфий – Табиб Нурсафардий (Сафар Кушаров). 2006 йилда Тошкентда кирилл ва лотин алифбосида нашр этилган. Нашриёти кўрсатилмаган. Сахифаларининг сони – 80 та. Адади – 999 та.

Юқорида айтилганидек, Шарқ жанг санъати усуллари ҳакида сўз бориб, уларни мусулмонлар номи билан боғлашга ҳаракат қилинган. Жумладан китобда: “Сўфий жанг санъати асоси ҳозирги Хитой худудида Уйғур мухтор вилояти, Ниндзя ва Тансу вилоятларида аҳоли ўргасида сақланиб қолган ва у ҳозирги ушу, сини, шаолин мактабларига катта озуқа ва туганмас бой ахборот олиб кирган”, – дейилади. Ваҳоланки, ислом дини XIV асрдан буён дунёният кўплаб мамлакатларида тарқалган, бу дин таълимоти, амалиёти ва маросимлари ҳақида минг-минг томли китоблар ёзилган бўлса, уларниң бироргасида ҳам мусулмонларининг жанг қилиш санъати деган гап айтилмаган.

Иккинчидан, ислом тинчлик ва осойишталик дини. Унда одамларниң ўзаро осойишта ҳаёт кечиришлари, ўз юртларини обод қилишлари тараннум этилади. Шунинг учун исломда алоҳида урушиш услуби бўлгани ҳақида

гапириш ўринсиз. Бундан ташқари, сўфийлар мусулмонлар орасидаги энг хоксор, дунё бойликлари-ю бошқа манфаатлардан юз ўтириб, фақат охиратни ўйлайдиганлар ҳисобланадилар. Бир неча босқичдан иборат жанг усулини айнан сўфийларга боғлаш ҳам ўта мантиқсизликдир. Агар Хитой худудларида яшаган мусулмонлар ўша ерлик аҳолига хос тарзда ушу, кунфу, каратэ каби жанг санъатларини ўзлаштирган бўлсалар буни дин билан боғлаш нотўғри бўлади.

Масаланинг бошқа тарафи ҳам бор. У ҳам бўлса, ислом уламолари ислом динини маърифий жиҳатларини тарғиб қилиб турган бир пайтда, қандайдир жанг қилиш усулини ҳам бу динга олиб келиб боғлаш ёшлиаримизнинг маънавий тарбиясига салбий таъсир этади. Юртимизда ўнлаб шаркона кураш турлари ривожланиб бормоқда. Ватанимиз фарзандлари улар бўйича жаҳоннинг турли майдонларида мусобақаларда қатнашмоқдалар, бироқ уларнинг ҳеч бири қайсиdir дин билан боғланаётгани йўқ-ку! Шундай экан, мазкур оқим Ўзбекистондаги динлараро бағрикенглик тамойилларига ҳам мос келмайди.

2. “Сўфий жанг тизимлари” китобининг муаллифи – Ахмуратов Шухрат. 2007 йилда Тошкентда кирилл ва лотин алифбосида нашр этилган. Нашриёти кўрсатилмаган. Саҳифаларининг сони – 80 та. Адади – 999 дона.

Бу китобда ҳам юқоридагига ўхшаш Қадимги Хитойда мавжуд бўлган шарқ яккакураши мактабларининг усуллари гўёки мусулмонлардан ўтган деган маъно ётади ва уларни қайта ўзлаштириш таклиф этилади. Шунингдек, бир неча фотосуратлар орқали ўрганиш усуллари баён этилади. Ушбу китобга ҳам “Сўфий (мусулмон) жанг санъати усуллари” китобига берилган каби тақриз бериш мумкин. Ҳар бир нарсани ўз номи билан атаган маъкул. Исломни жанг санъати билан алоқаси борлиги бу диннинг асосий манбалари Куръони карим ва ҳадислар у ёқда турсин, кейинги асрларда битилган адабиётларда ҳам учрамаган ҳолдир. Республика Ушу федерациясининг оғзаки маълумотига кўра, Шарқда бирон-бир мусулмон жанг санъати ҳақида на тарихий, на замонавий маълумот йўқ.

**3. Нурсафардия мактаби нима?**  
Китобнинг нашр жойи ва вақти кўрсатилмаган. 104 бет, адади маълум эмас. Кирилл ва лотин алифбосида.

Унда Нурсафардия йўналишининг мақсадлари, ғоявий ва амалий асослари баён қилинган. Агар мавзудан ташқариға чиқиб, тафаккур килиб кўрсак, тасаввуф тариқатлари ўз-ўзидан, кимнингдир ихтиёри билан ташкил этиладиган ( фирмочи очишга ўхшаган) иш эмас.

Биринчидан, бутун ислом оламига донг таратган Нақшбандия тариқати мисолида кўрадиган бўлсак, унинг вужудга келиш ва шаклланиш даври Абдухолиқ Гиждувонийдан (1103–1179) Баҳоуддин Нақшбандгача (1318–1389) деярли уч юз йилга чўзилган. Бундан ташқари, Нақшбандия тариқатининг шаклланишига хизмат қилганларниң барчаси ислом илмларидан боҳбар етук уламолар бўлган. Шариат илмларини тўла ўрганмаган, ёки етарли боҳбар бўлмаган Сафарбой Кушаров янги тариқат – Нурсафардияни эълон қилиши тушуниб бўлмайдиган ҳолдир!?

Нурсафардия Шарқ якка кураши турларидан ушу, кунфу, каратэ кабиларнинг унсурларини ўзлаштириб “Сўфий жанг санъати”ни ёхуд, Шарқ табобати сирларини ўзлаштириб “сўфий табобати” деб эълон қиласди. Бу жуда қизиқ! Лекин бир нарсани тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу йўналиш ҳеч қачон ислом динидан хабардор бўлган мусулмонлар, уламолар томонидан қабул қилинмайди. Тилга олинган китобнинг 18-саҳифасида “Айни дамда Сафарбой отанинг ушбу йўналишда йигирма беш мингдан зиёд шогирди бор”, – дейилади. 25 минг нафар жанг санъатини пухта эгаллаган одам ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан катта салоҳиятга эга бўлган

куч эканини ҳам унутмаслик керак. Чунки “Муршид-мурид муносабатлари” китобининг 14-саҳифасида: “Мурид (шогирд) муршид (устоз) белгилаган вақтда, белгиланган жойда хозир бўлиши, топширилган юмушларни оғишмай адо этиши лозим”, дейилган. Бу хозирда исломни жангарилик ва террорчилик дини эканини исботлашга уринаётган кучларга қўл келиб қолмасмикин? Бир неча йил Farb мамлакатларида истиқомат қилган С.Кушаровнинг асл мақсади ўзи нима?

Иккинчидан, тариқат шартларидан бири унинг давомийлигидир ва бу давомийлик силсила (занжир) тарзида етиб келаётган рухсатнома билан тасдиқланади. Қимнингдир тариқат раҳбарлигини олиши учун унинг устозлардан олган йўлланмаси бўлиши керак ва муайян тан олинган тариқатлардан бирортасига мансуб бўлиши керак. Нурсафардиянинг бундай асослари йўқ. Қиёслаб кўрадиган бўлсак, қадимдан ислом билан бир қаторда христианликнинг православ ва несториан каби йўналишлари тарқалган Ўзбекистонда миссионерлик фаолиятини олиб бораётганлар билан Нурсафардиянинг фарқи йўқ.

**“Нурсафардия мактаби нима?”** китобининг 31–33-саҳифаларида Нурсафардия ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратаетгани, бир

неча етим қолган болаларни ўз тарбиясига олгани хақида гапирилади. Аммо жангарилик руҳида тарбия олган болалардан келажакда нима кутиш мумкин?!

**4. “Мукаммаллик сари ўн тўрт қадам”.** Бу китоб 2005 йили Тошкентда кирилл ва лотин алифбосида чоп этилган. Нашриёти кўрсатилмаган, адади – 999 дона.

Китобда Нурсафардиянинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган. Мукаммаллик сари 14 та босқич белгилаб берилган. Улар Сўфий фалсафаси, сўфий ҳаёт тарзи, сўфий гимнастикаси, сўфий хореографияси, сўфий жанг санъати, сўфий нафасиёти, сўфий хаттотлик санъати, сўфий зикр тизими, сўфий мусиқаси, сўфий адабиёти ва шеърияти, сўфий табобати, сўфийликда Куръони карим, сўфийлик каромати ва маҳфий илм, сўфийлик пардози каби босқичлар деб белгиланган.

Унда ислом шариатига ва тарихий сўфий анъаналарига мос келмайдиган бир неча жиҳатлари мавжуд. Дейлик, ундаги сўфий гимнастикаси, сўфий пардози, сўфий хореографияси хусусидаги фикрлар исломда ўз асосига эга бўлмаган, одамларнинг эътиборини жалб қилиш учун ўйлаб топилгандир.

“Сўфийликда Куръони карим” деб номланган бўлимда эса ислом тарихида ҳеч

кимда кузатилмаган ҳолат акс этган. Маълумки, Куръони каримда бир неча сура оддий хеч қандай маънони англатмайдиган ҳарфлар билан бошланади (Нун, Коф, Ёсин каби). Уларни тафсирчилар “ал-хуруф ал-муқаттаот ан-маъно”, яъни маънодан узиб қўйилган ҳарфлар дейишган. “Муқаммаллик сари ўн тўрт қадам” китобининг 54-саҳифасида эса шундай ёзилади: “Нурсафардия йўналиши ҳам Куръони каримнинг ҳали инсониятга маълум бўлмаган қирраларини очишга харакат қиласди. Бунга яққол мисол қилиб айрим сураларнинг ҳарфлар билан бошланадиган оятларини олиш мумкин. Бу ҳарфлар замирида ётган маъноларнинг ўзи бир оламдир”, – дейилади. Энди тасаввур қилиб кўрайлик, ислом илмларидан тўла хабардор бўлмаган шахслар ўтмишдаги улуғ уламолар ва ҳатто Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) қўл урмаган ишни бошлаб, Куръон оятларини ҳеч ким билмаган тарзда тафсир қиласмиш, деб чиқса. Улар бу оятларни қандай тафсир қиласди-ю, уламолар ва бошқа мусулмонлар буни қандай қабул қиласдилар? Бундан янги ихтилоф (фирқаланиш) юзага келмасмикин!?

**5. Муршид – Мурид муносабатлари.** Бу китоб 2006 йили Тошкентда кирилл ва лотин алифбосида чоп этилган. Нашриёти кўрсатилмаган, сахифаларининг сони – 71та, адади – 999 дона.

Китобда сўфийлик йўлини тутганлар учун 25 босқичдан иборат ўқув жараёни кўрсатиб берилган. Китобда келтирилганларнинг таҳлили Нурсафардия йўналиши “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг диний таълим олиш хусусида бандини қўпол равишда бузилаётганини кўрсатади. Қонунда айтиладики: “Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳакли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш хукуқига эга бўлади... Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг руҳсати билан амалга оширишлари лозим. Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади». Нурсафардиянинг марказларида сўфийликни ўргатаётганларнинг маҳсус лицензияси ва диний таълим олганлиги ҳакидаги маълумотномаси йўқлиги аниқ.

**6. “Жемчужины Нурсафардия”.** Бу китоб 2006 йили Тошкентда кирилл ва лотин алифбосида нашр этилган. Нашриёти кўрсатилмаган. 39 бет, адади – 999 дона.

Китоб Сўфи табибнинг “Московские новости” газетаси ва “Белла Терра” журналиниң мухбирлари саволларига берган жавоблари асосида тузилган деб сарлавҳа қўйилган. Бироқ китобнинг ичидаги маълумотлар таҳлили, бу сұхбат сценарийси С.Кушаровни реклама қилиш учун уюштирилганини кўрсатади. Чунки ундаги саволлар фақат Нурсафардияни мақташ ва идеаллаштиришга йўналтирилган.

Нурсафардия сўфий йўналиши томонидан тақдим этилган китобларнинг таҳлили йўналишнинг диний жиҳатдан асосга эга эмаслигини кўрсатади. Уларнинг тарқатаётган ғоялари ислом дини, сўфийликнинг тарихий манбаларига мос келмайди. Диний таълим борасида олиб бораётган фаолиятлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Сўфий жанг санъати марказларининг фаолияти Республика Шарқ якка курашлари Федерацияси билан мувофиқлаштирилса яхши бўларди.

Масаланинг яна бир томони бор. Ёшларнинг ёки умуман фуқароларимизнинг англаб-англамай, кўр-кўrona тариқатларга кириши, айниқса, Нурсафардия каби диний асосга эга бўлмаган ташкилотлар фаолиятига кўшилиши Ўзбекистон худудидан ташқарида

мавжуд бўлган экстремистик кучлар, Ватанимиз тинчлигини кўраолмаганлар учун қўл келиши шубҳасиз. Шу боис фуқароларимизни мавжуд турли тариқатлар ва уларнинг фаолиятидан етарлича бохабар қилиш чора-тадбирларини кўрмоғимиз керак.

## ХУЛОСА

Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси худудида истиқомат қилаётган ҳар бир фукаро мамлакатда амалда бўлган қонун ва қонун ости ҳужжатларини, жумладан, «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Конунни ҳурмат қилиши лозим. Бироқ ҳозирги кунда мамлакатимизда мавжуд бўлган тариқатчилар томонидан баъзи қонунларга риоя қилинмаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, мазкур қонун меъёрларига зид равишда ўзига шогирд (мурид) танлашда кишиларнинг ёши, диний билими ва шариат қоидаларини қай даражада билишини текширмасдан қабул қиласди. Шогирдлар ёши чегараланмаган.

Бугунги кунда мамлакат худудида фаолият олиб бораётган тариқатчилар давлатимизнинг хавфсизлигига таҳдид солмайдилар. Бироқ бу масалага доир бир неча муаммолар мавжуд. Жумладан:

1. Тарафдорларнинг кўпайиши, моддий базанинг мустаҳкамланиши, тариқатлар ўртасидаги келишмовчиликларнинг чукурлашуви жиддий ижтимоий ва сиёсий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин;

2. Тариқатчилар томонидан шариат талабларининг нотўғри талқин қилиниши,

анъанавий ислом тамойилларига карама-қарши бўлган қоидалар ишлаб чиқилиши тариқат тарафдори бўлмаганлар ва диний муассасалар ходимлари ўртасида норозиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда;

3. Ҳар қандай тариқатга раҳбарлик қилиш бир жиҳатдан моддий тушумлар билан ҳам боғлиқ. Бу эса “тахт вориси” ким бўлади деган масалада тариқатлари ичida низолар келиб чиқиши мумкин. Бу борада бугунги кунда Иброҳим эшон вафотидан сўнг унинг тарафдорлари орасида келиб чиқсан келишмовчиликлар, ўзининг пирлигини исботлаш учун бошқа даъвогарларни куфрда айглаш ҳолатларини мисол келтириш етарлидир;

4. “Нурсафардия” тариқати вакиллари турли шарқ якка кураши усулларини ўзлаштириб олганларидан сўнг, ўзларининг ҳақ эканликларини билак кучи билан исботлашга ҳаракат қилишлари мумкин.

5. Ёш-ёш йигитлар салла, чопон ва маҳси-калиш кийиб, “дунё ишлари бизга қизик эмас” деб, жамиятдан ажralиб қолишлари, оила, қариндош-уруғлар ва бошқа яқинлардан узоклашишлари ижтимоий вазиятга ўта салбий таъсир кўрсатиши турган гап.

6. Тариқатнинг навбатдаги раҳбари Тожикистон, Қозоғистон ёки Қирғизистон

каби кўшни давлатлардан бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бунинг оқибатида Ўзбекистон фуқароларининг кўшни давлат худудига тез-тез бориб келишларининг эҳтиёжи туғилади. Бу эса миллий ҳавфсизлик масалаларига дахл қилиши ёки ғаразли кучлар қулай манба топилишига олиб келади.

Буларнинг олдини олиш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- Бирламчи ислом манбалари асосида тарикатчиларни шариатга ва ижтимоий қонунларга зид бўлган амалиётларини фош этиш;
- жойлардаги нуфузли имомлар билан тарикатчилар ўртасида мулоқотларни ташкил этиш ва мавжуд зиддиятлар ва тушунмовчиликни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш;
- Ўзбекистон мусулмонлари идораси вакиллари билан ҳамкорликда вилоят, туман худудида фаолият олиб борадиган тарикат раҳнамолари ва вакиллари билан ишлашни йўлга қўйиш;

– Маҳалла оқсоқоллари, маслаҳатчилар ва имомлар томонидан тарикатга кирган ёшларни ўз оиласарини ташлаб пирнинг хизматига кетиб колишлари, таркидунёчиликка берилишлари, фарзандларини дунёвий таълимдан четлатишларини олдини олиш бўйича мунтазам ишлар олиб бориш.

**Х.Йўлдошхўжаев**

**ТАРИҚАТЧИЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ  
КЎРИНИШЛАРИ**

“Тошкент ислом университети”  
нашириёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент-2010

Муҳаррир Б.Эралиев  
Мусаххих У.Инсонбоева  
Саҳифаловчи А.Шомаҳмудов

**86.38**

**Й75**

**Йўлдошхўжаев, X.**

Тариқатчиликнинг замонавий кўринишлари / X.  
Йўлдошхўжаев; масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. - Т.:  
“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси,  
2010. - 80 6.

**ББК 86.38**

Босишига 2010 йил 5 январда рухсат берилди.  
Бичими  $84 \times 108^1/_{32}$ . Шартли б.т. 4,20. Нашр т 4,16.  
Адади 3000 дона. Буюртма № 9  
Баҳоси шартнома асосида.

**«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.**



ISBN 978-9943-306-868

9 789943 306868